



20 АВГУСТ — ТАДБИРКОРЛАР КУНИ

Мулоқотдан мулоқотгача: ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР АМАЛИЁТГА КИРИТИЛДИ?

Кредит ва ер ажратиш, солиқ, транспорт логистикаси, экспорт, зарур инфраструктура — булар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилувчи энг муҳим омиллар. Шу билан бирга, соҳа вакиллари кийнайдиган масалалар ҳам шу йўналишларга дахлдор. Айнан шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан юзма-юз, самимий суҳбатлашиши, фикр алмашиши, улар фаолиятидаги муаммо ва камчиликларга шахсан қизиқиб, ечим топиб бераётгани жуда эътиборга молик жиҳатдир.



▶ Давоми 3-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ТЕКШИРУВЛАР СОНИ КЕСКИН КАМАЙТИРИЛДИ СОҲА ВАКИЛЛАРИНИ ЭНГ КЎП БЕЗОВТА ҚИЛАДИГАН ОМИЛЛАРДАН БИРИ ШУ ЭДИ

Тадбиркорлар билан анъанавий очиқ мулоқот юқори самарадорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Чунки айнан шундай учрашувлар сабаб кўп йиллардан буюн ҳал бўлмаётган муаммоларга ечим топилапти. Соҳа вакиллари янги имкониятлар эшиги очилапти. Яъни очиқ мулоқотлар якуни бўйича давлат раҳбарининг тегишли қарори қабул қилиниши, мулоқотда кўтарилган юзлаб масалаларни ечим бўйича топшириқлар, “Йўл харита”лари белгиламоқда.

Ўтган икки йилда ўтказилган очиқ мулоқотларда тадбиркорлардан келиб тушган 27 мингдан ортиқ таклиф ва мурожаат буларга асос бўлди. Жумладан, ўтган йилги учрашувда билдирилган таклиф ва муаммолардан келиб чиқиб, унда белгилаб қўйилган вазифаларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

“Йўл харитаси” билан Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил — бизнес омбудсманга ҳам бир неча вазифа юклатилди. Улардан бири тадбиркорларнинг банк ҳисобрақамиди пул маблағлари дахлсизлигини таъминлаш вазифасидир.

Тадбиркорлик субъектлари банк ҳисобрақамларидан қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган пул олиб қўйиш ёки ортиқча ундирилган маблағларини ўз вақтида қайтармаслик

ҳолатлари учраб турар эди. Ушбу масалалар судларга даъво ариза ёки давлат органларига тақдимнома ва хулосалар киритиш йўли билан ҳал этиларди.

Бундай ҳаракатларни содир этган мансабдорларнинг жавобгарлиги қонунийликда очиқ қолаётганди. Шу сабабли, жорий йилнинг май ойида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тадбиркорларнинг банк ҳисобрақамларидаги пул маблағлари дахлсизлигини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Маъмур қонун тадбиркорлик субъектлари банк ҳисобрақамларидаги пул маблағлари дахлсизлигини таъминлаш ҳамда давлат ҳуқуқни муҳофазаси ва назорат органлари мансабдор шахслари масъулиятини оширишга хизмат қилади.

▶ Давоми 3-бетда

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ



ИЖТИМОЙЛАШУВ ҲОДИСАСИ

Агар биздан расмий яшаш манзилимизни ёзиб юбориш сўралса, унга, албатта, ўзимиз рўйхатда турган маҳалламиз номини ҳам қўшамиз. Ҳеч ўйлаб кўрганмизми: аслида бу нимани аниқлатади? Мамлакатимизда тўққиз ярим мингга яқин маҳалла фуқаролар йиғини бор. Ўзбекистонда ҳеч ким маҳалладан айро яшамайди. Ҳар ким қайсидир маҳаллага тааллуқли. Ҳар бир кун, бахт ҳам, қайғу ҳам маҳалла билан кечади. Мана шу манзаранинг ўзиёқ юртимизда маҳалла институти халқимиз ҳаёти яхши ёки ёмон томонга ўзгариш объекти эканини билдиради. Яшаш манзилимизга МФЙ номи қўшилиши эса ижтимоий-маънавий томондан ҳар бир фуқаронинг жамиятга дахлдорлигини аниқлатади.

▶ Давоми 4-бетда

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ВАҚТНИ ҚИСҚАРТИРИБ, ҚУЛАЙ МАНЗИЛГА АЙЛАНГАН МАРКАЗЛАР

Таниқли ҳажвчи Ориф Фармоннинг “Навбати билан” номли ҳажвий ҳикояси бор. Унда асар қаҳрамони бир кунда бир неча навбатларга дуч келади. Дастлаб автобусга навбати билан чиқади, кейин навбатда туриб чипта сотиб олади, бекатга ҳам навбат билан тушади. Сигарет чекмоқчи бўлади, ёнида гугурти йўқ. Шу атрофдаги озиқ-овқат дўконига қиради, қараса, яна бир қанча харидор навбатда турибди. Битта гугурт олгани ҳам навбатга тураманми, деб сотувчига пул узатади, лекин харидорлар уни навбатга туришга мажбур қилади.

Дўкондан ташқарига чиқиб, сигарет чекиб турса, қадрдон дўсти келиб қолади. У билан гаплашапти-ю, хаёли яна навбатларда бўлади. Хайрлашаётиб, дўстининг тез-тез кўриши

турайлик, узоқлашиб кетмайлик, деган таклифига “Майли, навбати билан кўришиб тураман”, дейди ва қулгига қолади.

▶ Давоми 2-бетда

ТАЪЛИМ ОДИМЛАРИ

БИЛИМ ТАШИЁТГАН “Ақ.ивой” СИЗНИНГ ҚИШЛОҒИНГИЗГА ҲАМ БОРДИМИ?

Қишлоқда тонг отди. Ҳар бир янги кун аёлларнинг уй юмушларига уннаши билан бошланади. Баъзан у ер-бу ерда қуймаланган болалар оналарини саволга қўмади. Ўйинга андармон бўлиб, кўчага улоққан жажжи қалблардаги ҳайрат эътиборсиз, олам ва одам ҳақидаги ўнлаб саволлар жавобсиз қолаверади... Кўёш уфққа бош қўйиб, кун ниҳоясига етгач, болалар ўйиндан чарчаган кўйи апил-тапил овқатланадию, ухлаб қолади. Яна тонг отади. Кечаги манзара яна такрорланади. Кунлар бир зайлда ўтиб бораверади...

▶ Давоми 5-бетда



ДАХЛДОРЛИК

Тараққиёт ва юксак ривожланишга эришган давлатлар тажрибасига кўра, ҳар бир халқ ўз олдига улуғ ва истиқболли мақсадларни қўйиши ҳамда уни амалга ошириш салоҳияти билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллайди. Давлатимиз ҳам бугун ўз тарихининг ана шундай масъулиятли чорраҳасида турибди.

КЕЧАГИ НАТИЖАЛАР — БУГУН ТАРИХ

Улар энди бизни қониқтирмайди

Халқчил ва демократик таъминлаш асосланган янги Ўзбекистон давлати, эркин фуқаролик жамиятини барпо этар эканми, аввало, маъмур мақсад йўлида давлат ва жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлаш, мамлакатни модернизация қилиш, бу жараёнда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган кенг қўламли демократик ислохотларни жадал

амалга ошириш талаб этилапти. Шу боис, демократиянинг асосий талаби бўлган инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини сўзсиз таъминлаш билан бир қаторда, инсониятнинг бебаҳо бойлиги бўлган тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга энг муҳим вазифа сифатида аҳамият қаратмоқ лозим.

▶ Давоми 5-бетда

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ЕР ХАТЛОВИ ОХИРГИ МАРТА ҚАЧОН ЎТКАЗИЛГАН?

Ернинг ҳисобини аниқ юритиш ва самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, қурилиш, геология каби кўплаб соҳалар учун жуда муҳим. Шу жиҳатдан олганда, бугунги кунда республикамизда ҳар бир қарич ер халқимизга манфаат келтиришини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор.

Ваҳоланки, ўтган йиллар давомида геодезия, картография ва кадастр соҳасида қатор муаммолар туپланиб қолган эди. Охириги мартта мамлакатимизда ер хатлови 40 йил олдин ўтказилгани, қишлоқ хўжалиги ерларини ажратиш тартиби эса 22 йил аввал қабул қилингани бунинг яқин тасдиғидир.

Президентимиз 2020 йил 21 июль кунини ер ҳисоби ва давлат кадастрларини тўлиқ шакллантириш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш

масалалари бўйича ўтказган йиғилишда ушбу масалаларга ечим топиш давр талаби эканини қайд этганди. Мутасаддилар олдига кадастр идораларининг энг асосий вазифаси ер ҳисоби ва балансини юритиш бўлиши кераклиги, йил якунига қадар ер тури, контури, чегараси ҳамда фойдаланувчиси ҳақидаги маълумотлар жалланган ахборот тизимини ишга тушириш вазифаси ҳам қўйилган.

▶ Давоми 2-бетда

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ВАҚТНИ ҚИСҚАРТИРИБ, ҚУЛАЙ МАНЗИЛГА АЙЛАНГАН МАРКАЗЛАР

Бошланғичи 1-бетда

Буни қарангки, шу кунги йилгит севган қизини кинога таклиф этган бўлади, бироқ навбатда туриш ташвишлари билан андармонлиги учун буни унутди. Учрашганларида қиз ундан ўп-калайди. Шунда хаёли паришон йилгит севгилисини юпатаман деб, яна "қовун туширади", яъни навбати билан кинога тушишларини айтади. Қиз эса мендан бошқаси билан ҳам юрасизми, деб роса ранжийди. Шу ернинг ўзиде икковлари навбати билан йилглаб олишди, кейин эса навбати билан қулишди...

Фикримизни ҳажвий асардан бошлаганимиз бежиз эмас. Чунки ҳақиқатан, шуро тузуми даврида навбатга туриш, навбат келишини кутиш энг оғриқли нуқталардан бири эди. Утган асрнинг етмишинчи-саксонинчи йилларида машина сотиб олиш ҳаммага ҳам насиб қилавермасди. У пайтда фақат бир неча рўсумда машиналар ишлаб чиқарила ва уларни харид қилиш учун райжироқумга навбатга турилари. Қачонки, ойлар, йиллар ўтиб, навбат келгач, райжироқум қарори билан машинани фуқарога сотишга рухсат бериларди.

Ёки қишлоқларда уй-жой қуриш учун ер участкаси, шаҳарларда эса кўп қаватли уйлاردан квартира сотиб олишда ҳам худди шу тартиб қўлланиларди. Самолётга, поездга, автобусга чипталарни сотиб олишда ҳам узундан-узоқ навбатларда туришга тўғри келарди. Талабалик йилларимизда, айниқса, янги йил байрами арафасида қишқи таътил учун Тошкентдан вилоятларга кетишда чипта олиш ниҳоятда мушкул эди.

Бундай мисолларни яна ўнлаб келтириш мумкин. Муस्ताқиллик йилларида бу долзарб муаммолар бирин-кетин ўз ечимини топа бошлади. Қишлоқларда одамларга уй қуриш учун минглаб гектар ер ажратиб берилди, коттеж типидеги намунали уйлар, шаҳарларда ҳам кўп қаватли бинолар қуриш кўлами уч-тўрт баробар кенгайди,

янги мавзелар бунёд этилди. Сўнги йилларда 300 мингта, жорий йилнинг ўзиде эса 90 мингта, 2030 йилгача 1 миллион хонадонли биноларни бунёд этиш кўзда тутилгани ва бу мақсад учун 15 миллиард доллар маблағ йўналтирилиши масалага қанчалик катта аҳамият қаратилаётганидан далолат беради.

Бугун "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак", деган тамойил амалда. Шу пайтгача одамлар уй-жойга кадастр қилдириш, янги фирманинг таъсис ҳужжатларини рўйхатдан ўтказиш, лицензия, фуқаролик паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш, фарзандини боғчага бериш каби хизматлардан фойдаланиш учун ўнлаб ташкилот ва муассасалар эшигида саргайиб, қимматли вақтларини беҳуда сарфларди. Банк ёки солиқ идораларига киришдаги қийинчиликларни айтмасе ҳам бўлади. Эшик тагида кўриклаш хизмати ходимлари ҳар бир мижоздан фуқаролик паспортини кўрсатишни талаб қилар, йўқ бўлса, киришга рухсат этилмасди. 2017 йилдан давлат хизматлари маркази ва унинг вилоят, шаҳар, туман бўлимлари ташкил этилди. Фуқаролар юқорида санаб ўтилган ўнлаб хизматларни шу ернинг ўзиде ҳал қилиш имкониятига эга бўлди.

"Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади" тамойили асосида фаолият юритаётган Давлат хизматлари марказлари халқимиз учун самарали хизмат кўрсатмоқда. Президентнинг 2021 йил 24 июлдаги "Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармониға мувофиқ, бу тизимни янада ривожлантиришга қаратилган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Миллий стратегия қабул



“ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ ТОМОНИДАН ФУҚАРОЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАРДАН ЖАМИ 73 ТА ҲУЖЖАТ ҲАМДА МАЪЛУМОТНОМАНИ ТАЛАБ ҚИЛИШ АМАЛИЁТИ БЕКОР ҚИЛИНДИ. ҲИСОБ-КИТОБЛАРГА КўРА, ЙИЛИГА 20 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ АҲОЛИ ОРТИҚЧА ҚОҒОЗБОЗЛИҚДАН ОЗОД Бўлди, ИДОРАМА-ИДОРА САРСОН ЮРИШИНИНГ Олди Олинди.

қилинди. Унда қайд этилишича, ўтган беш йилда 207 та Давлат хизматлари маркази ва уларнинг 141 та филиали орқали 42 миллиондан ортиқ хизмат кўрсатилган.

Давлат идоралари томонидан фуқаролар ва тадбиркорлардан жами 73 та ҳужжат ҳамда маълумотномани талаб қилиш амалиёти бекор қилинди. Ҳисоб-китобларга кўра, йилига 20 миллиондан ортиқ аҳоли ортиқча қоғозбозликдан озод бўлди, идорама-идора сарсон юришининг олди олинди. Яратилган қулайликлардан яна бири қарерда доимий рўйхатдан ўтганлигидан, қарерда яшашидан қатъи назар, аҳоли, тадбиркорлар ўзлари учун қулай ва яқин бўлган исталган жойда давлат хизматлари марказига мурожаат этиши мумкин.

Давлат хизматлари марказларидан 50-100 километр узоқ ҳудудларда 138 та филиал очилди. Олис ва чекка ҳудудларда яшовчи фуқароларга энгиллик ва қулайлик яратиш мақсадида сайёр давлат хизматлари, эшитиш ва нутқида нуқсонли бор фуқароларга сурдо таржимон хизмати ҳам йўлга қўйилди. Давлат хизматлари марказларига ташриф буюрувчилар учун кутуб заллари, электрон навбат тизими, ахборот киосклари, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ва саломатлик бурчақлари, болалар

ўйин майдончалари, бепул интернет жойи доимо шай.

Наманган шаҳар Давлат хизматлари маркази 2017 йил 12 декабрда республикада намуна тарзида биринчи бўлиб очилган. Дастлаб хизмат турлари сони 35 та бўлган, ҳозирда 300 га яқин. Бундай хизматларга навбат кутуш вақти Наманган шаҳрида ками 20 дақиқа, кўпи 1 соат, туманларда эса жами 10-20 дақиқа. Тигиз навбатлар асосан, вилоят марказида эрталаб соат 9:00 дан — 14:00 гача кузатилади. Тушликдан кейин деярли навбат йўқ. Кўпроқ вақт кетадигани кадастр, тадбиркорлик йўналишлари, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва хорижа чикқиш паспорти, субсидия, ками электрон рақамли имзо олиш, боғчага онлайн навбатга қўйиш, санаторийларга йўланма бериш ва ҳоказо. Ниҳоят тузишни расмийлаштириш муддати эса бир ой.

Наманган шаҳрида ҳайдовчилик гувоҳномаси, шахсни тасдиқловчи ID-карта ва хорижа чикқиш паспортини ягона дарчада, битта бинода алмаштириш имконияти бор. Жорий йил якунига қадар барча туманлар ID-карта ва хорижа чикқиш паспортларини чоп этиш аппаратларига эга бўлади. Дарвоқе, яқинда Янги Наманган туманида кўзи оғирлар учун брайль алифбоси асосидаги хизматлар жорий қилинди.

муассасаларда маънавий тарғиботчи сифатида қатнашдим. Амин бўлдимки, халқимизнинг тафаккури бундан беш-ўн йил бурунги даражадан кескин ўсган. Бефарқлик, лоқайдлик аломатларини сезмадим. Аксинча, давра суҳбатлари, мулоқотлар баҳс-мунозараларга бой тарзда кечди.

Хусусан, маҳаллабай, хонадонбай ишлаш тизими жорий этилганидан, давлат идораларининг раҳбарлари халқ ичига кириб бораётганидан, анча йиллардан буён ҳал бўлмаётган ижтимоий-иқтисодий муаммолар тизимли равишда ечим топаётганидан, "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари доирасида бажарилаётган йирик қўламдаги ишлардан, "Темир дастар", "Аёллар дастари", "Ёшлар дастари" асосида аҳолининг кам таъминланган қисми, ноғиронлар, ёлғиз қариялар манзилли равишда ижтимоий химоя қилинаётганидан беҳад мамнун эканини билдирди. Шу билан бирга, иқтисодий буҳронлар, озиқ-овқат хавфсизлиги, экологик муаммолар, этник низолар қучаяётган бугунги глобаллашган даврда ватанимизда тинчлик-осойишталикни барқарор сақлаш, миллатлараро тутовлиқни янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, таълим сифатини тубдан ошириш зарурлигини ҳам эътироф этдилар. Улар куйи тизимдаги вазиятдан эртано кеч хабардор куйинча сектор раҳбарларидан, маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиларидан миннатдор.

Учрашувларда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлашга оид самарали ислохотлар ўз натижасини бераётгани, жумладан, охири беш йилда вилоятда ишлаб чиқариш корхоналари сони 15 мингтага кўпайиб, жами 32 мингтага, хусусий бизнес томонидан ишлаб чиқаришган маҳсулотлар ҳажми 1,6 баробар ўсиб, 8,3 триллион сўмга етгани, яқин йилларгача дотацияда бўлган Наманган ҳозирга келиб, барқарор даромадли, саноати ривожланган, маҳсулотларини дунёнинг ўнлаб давлатлари экспорт қилаётган истиқболли порлоқ вилоятга айлангани гурур-ифтихор билан тилга олинди.

Сўзимизни ҳазрат Алишер Навоийнинг барчамизга таниш куйидаги ҳикмати билан якунламоқчимиз:

Одамий эрсане, демагил одами,

Ониким йўқ, халқ гаமிдин гами.

Дарҳақиқат шундай, бугун эл фаровонлиги, юрт тинчлиги, Ватан равнақини ўйламайдиган, буни ўзининг муқаддас бурчи деб санамайдиган, эзгу мақсад йўлида жонбозлик, фидоийлик кўрсатмайдиган давлат идоралари раҳбарларига орамизда ўрин йўқ. Зеро, халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши шарт ва зарур!

Комилжон ФАЙЗИЕВ,
журналист

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ЕР ХАТЛОВИ ОХИРГИ МАРТА ҚАЧОН ЎТКАЗИЛГАН?

Бошланғичи 1-бетда

Дарҳақиқат, иқтисодий ислохотлар ривожланишини ҳисобга олиб, табиий ва ҳўжалик ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилишнинг бошқариш тизимини такомиллаштириш, ҳудудлар салоҳиятини мажмуавий таҳлил этиш ҳамда баҳолаш бугунги куннинг энг зарур масалаларидан бири ҳисобланади.

“МАРКАЗДА КЕЛГУСИДА КАДАСТР АГЕНТЛИГИ, БОШҚА ВАЗИРЛИК, ҚўМИТАЛАР, ҚОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАР ХОДИМЛАРИ ҲАМДА МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ БАРОБАРИДА, УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШГА БўЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ АНИҚЛАЙДИ. ШУНДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, ТАСДИҚЛАНГАН ЖАДВАЛ АСОСИДА МУТАХАССИСЛАР ҚАЙТА ТАЙЁРЛАНАДИ.

Бозор иқтисодиётининг асосий элементларидан бўлган кадастр тизими эса ривожланишининг асосий тамойиллари ва мазмунига мос келиши билан ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегиясида кўчмас мулкка бўлган ҳўқуқларнинг давлат реестридаги очиқ маълумотлар таркибини белгилаш, улар асосида оммавий геопортални жорий этиш ҳамда маълумотларни Миллий геоахборот тизими орқали

Соҳани тубдан ислох қилиш мақсадида Кадастр агентлигининг Тошкент геодезия ва картография коллежи тизимасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Кадрларни қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш маркази ташкил этилди.

Ортинтилган кўп йиллик тажриба ва йиғилган материалларни ўрганиш натижалари, соҳага янги стандартлар жорий этилиши асосида давлат кадастрларини яратиш ҳамда юритишнинг норматив-ҳўқуқий базаси ташкил



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

этилди. Ушбу норматив-ҳўқуқий база ҳамда соҳадаги ўзгаришлар Кадастр агентлигида кадрларни тизимли равишда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини ташкил этиш заруратини юзага келтирди.

Ана шу мақсадда масъул вазирилик, қўмита ҳамда идораларнинг раҳбарлари ва мутахассисларнинг ер тузиш, геодезия, картография, топография, давлат кадастрлари соҳасида малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, амалдаги норматив-ҳўқуқий ҳўжжатларни

етказиб бериш ва услубий ёрдам кўрсатиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Марказда тингловчиларнинг ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастрлари соҳаларини бошқаришдаги касб маҳоратини ошириш ҳамда замонавий билимларни эгаллашлари учун барча шароит яратилган. Ўқув ишлари ҳар икки йилда қайта ўтказилади.

Давлат кадастрларининг барча йўналишлари бўйича кадрларни тайёр-

лаш ишларини такомиллаштириш мақсадида ўқув жараёнига олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, соҳада кўп йиллик амалий тажрибага эга мутахассислар, маслаҳатчи ва экспертлар жалб этилади.

Малака ошириш курслари тингловчилари учун ўқишнинг барча даврида уларнинг асосий иш жойи бўйича эгалланган лавозим ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда олиб борилади.

Жорий йил 22 февралда Кадастр агентлиги томонидан тизимда фаолият

юритаётган мутахассисларнинг 2023 йилда ташкил этиладиган бирламчи малака ошириш курсларига буюртма тасдиқланди.

Ушбу буюртмага мувофиқ, Кадастр агентлиги, Давлат кадастрлар палатаси ва ҳудудий бошқармалар ҳамда тизим ташкилотларидан соҳавий йўналишлар бўйича 1 минг 576 мутахассис малакасини ошириш буюртмалари шакллантирилиб, улар асосида 8 йўналиш бўйича тегишли ўқув курслари дастури ишлаб чиқилди.

Марказда келгусида Кадастр агентлиги, бошқа вазирилик, қўмиталар, қорхона ва ташкилотлар раҳбар ходимлари ҳамда мутахассисларини қайта тайёрлаш баробарида, уларнинг малакасини оширишга бўлган эҳтиёжини аниқлайди. Шундан келиб чиқиб, тасдиқланган жадвал асосида мутахассислар қайта тайёрланади.

Шунингдек, соҳага тааллуқли олий ўқув юрларининг ишлаб чиқаришда филиалларини ташкил этиш, амалий ва назарий ўқув дарсларини ўтказиш режалаштирилмоқда. Айни шу мақсадда хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда тизимли такомиллаштиришга қаратилган лойиҳалар амалга оширилиб, ўзаро тажриба алмашиш чоралари кўрилмақда. Булар эса, табиийки, келгуси фаолиятимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шавкат ОЛИМОВ,
Кадастр агентлигининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бошиғи,
Алишер АБАЗОВ,
Тошкент геодезия ва картография коллежи директори

20 АВГУСТ — ТАДБИРКОРЛАР КУНИ

Мулоқотдан мулоқотгача:

ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР АМАЛИЁТГА КИРИТИЛДИ?

Бошланиши 1-бетда

Бугун давлатимиз раҳбари билан учрашув тадбиркорлар интиқ кутадиган тадбирга айланди. Анъанавий анжуман соҳа вакиллари учун ташаббус ва гоғялар майдони бўлмоқда. Аввалги икки тадбир орасидаги вақт эса уларни юзага чиқаришда қўлай фурсатдир. Шу боис, унга қизиқиш йил сайин ортиб бормоқда.

Президентимизнинг тадбиркорлар билан очик мулоқоти жорий йилда учинчи бор ташкил этилади. Ҳозир унга жамий тайёргарлик кечмоқда. Биз олдинги икки учрашув билан боғлиқ айрим факт ва рақамлар асосида кичик бир шарҳ тайёрлашга ҳаракат қилдик.

2021 йилнинг 20 августи юртимиз тадбиркорлари, ишбилармонлари, Ўзбекистонда фаолият юритаётган бизнес вакиллари учун тарихий кун бўлди. Сабаби, уша кун Президент Шавкат Мирзиёев юртимиз тадбиркорлари билан мамлакат тарихида илк маротаба очик мулоқот ўтказди.

Самимий, дилдан кечган суҳбат соҳа вакилларида катта таассурот қолдирди. Кимдир кўнглидаги гапларни айтиди, кимдир улгурмай қолди. Вақт етмади. Лекин бунинг ечими ҳам шу ернинг ўзида топилди. Учрашувда Президентимиз 20 августи Тадбиркорлар кунини деб эълон қилиш таклифини билдирди ва йиғилганлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Негаки, айнан шу таклиф асосида очик мулоқот ҳар йили ўтказилиши белгилаб олинди. Бу тадбиркорларга бевосита давлат раҳбарига ўз фаолияти, режалари, муаммолари ҳақида маълумот етказишга катта имконият берди.

Дастлабки учрашувда жами ўн мингга яқин тадбиркор иштирок этди. Очик мулоқот олдидан тадбиркорларни қийнаётган муаммолар сўралган эди. Ана шу сўровлар асосида, эътибор қилинган турли масалаларга оид 15 мингдан



“ БИР ЙИЛДА, ЯЪНИ ОЧИҚ МУЛОҚОТДАН ОЧИҚ МУЛОҚОТГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА БИРГИНА СОҲА УЧУН 70 ДАН ЗИЁД ҲУЖЖАТ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ҲАЗИЛАКМАН ГАП ЭМАС. БУ ТАДБИРКОРЛИК ИЗЧИЛ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАЁТГАН ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ ЯРАТИШИ ЙўЛИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ ЭКНИДАН, ЭНГ АСОСИЙСИ, СОҲА ВАКИЛЛАРИ ШАХСАН ДАВЛАТ РАҲБАРИ ЭЪТИБОРИДАЛИГИДАН ДАЛОЛАТДИР.

ортиқ мувожаат келиб тушганди. Уларнинг аксарияти, юқорида санаб ўтганимиздек, молия-кредит, солиқ, ер ажратиш, коммуникация тармоқларига улашиш, юқларни ташиш каби масалаларга боғлиқ бўлди. Бундай масалаларни тадбиркорлар бевосита учрашув чоғида ҳам айтиб ўтди.

Муаммолар бор, уларни ҳал этиш нафақат соҳа вакиллари ишига унум беради, балки иқтисодиётимиз ривожини, одамлар турмуш шароитини яхшилашда катта аҳамият касб этади. Шу боис, учрашувда уларни ҳал қилишга қаратилган 7 та муҳим йўналиш кўрсатиб ўтилди. Ҳар бир йўналиш бўйича долзарб вази-

фалар белгиланиб, янги ташаббуслар илгари сурилди. Вазирлик, идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Ушбу масалалар қанчалик муҳим бўлса, улар ижросига ҳам шунча тезкорлик билан киришилди. Зарур ҳуқуқий асос ва шарт-шароитлар яратилди. Буларнинг натижаси эса 2022 йилги очик мулоқотда келтирилган рақамларда ўз аксини топди.

“...Ўтган йилги учрашув арафасида ва тадбир давомида сизлардан келиб тушган минглаб мувожаатларда кўтарилган муаммоларни ҳал этиш ва таклифларни амалга оширишга қаратилган катта дастур, 70 дан ортиқ фармон ва қарор қабул қилдик, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Бир йилда, яъни очик мулоқотдан очик мулоқотгача бўлган даврда биргина соҳа учун 70 дан зиёд ҳужжат қабул қилиниши ҳазилакам гап эмас. Бу тадбиркорлик изчил қўллаб-қувватланаётгани яхши ишбилармонлик муҳити яратиши йўлидаги ислохотларнинг ажралмас қисми эканидан, энг асосийси, соҳа вакиллари шахсан давлат раҳбари эътиборидалигидан далолатдир.

Имконият ва рағбат фаолиятга ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар сирасига киради. Шу жиҳатдан олганда, бир йил давомида тадбиркорлар томонидан

бизнес учун 55 мингдан ортиқ бино барпо этилгани уларнинг келажакка ишониб, кўркмасдан кучмас мулкка, бизнесга инвестиция тикаётганини аңлатади.

Шу вақт ичда тушуми 1 миллион доллардан ортиқ тадбиркорлик субъектлари сони 5 мингга ошиб, 26 минггача ташкил қилди. Яна минг нафари товар айланмасини 1 миллиондан 10 миллион долларгача етказди. 220 нафарнинг тушумлари 100 миллион доллардан ошди. Мамлакатимизда экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингга етиб, умумий экспорт ҳажми 30 фоиз кўпайди.

— Бугун тадбиркорликнинг оқсаётган бирор йўналиши йўқки, жиддий эътибор қаратилиб, тезда ривожланиш босқичига олиб чиқишга ҳаракат қилинмаётган бўлсин, — дейди Китоб туманидаги “Doktor Boboev health center” клиникаси раҳбари Алишер Бобоев. — 2022 йил 22 август кунини тадбиркорлар билан ўтказилган очик мулоқотда кўпчилик қатори мен ҳам иштирок этиб, хусусий секторда мутахассислар тайёрлаш бўйича ўз таклифларимни айтгандим. Яъни ўшанда биргина Қашқадарё вилоятида 900 нафарга яқин юқори малакали шифокорга эътиёж бор эди. Республика миқёсида эса бу кўрсаткич янада ортиши аниқ. Шунингдек, мавжуд кадрлар малакасини ошириш масаласи ҳам шу пайтгача фақатгина давлат тасарруфидоғи марказларда амалга ошириб келинмоқда. Шифокорлар малакасини оширишга хусусий секторда ҳам рухсат берилса, бу борада янада қўлайлик яратилишини айтгандим. Бу лойиҳам Президентимизга маъқул келди. Шу вақтнинг ўзида тегишли кўрсатмалар бериб, ҳаракат бошлашим мумкинлигини билдирди. Орадан бир йил вақт ўтди. Ҳозир Китоб туманидаги клиникамизда клиник ординатура ташкил этилиб, иш бошланган. Айтиш керакки, хусусий секторда бундай имконият кўп давлатларда йўқ.

Бугун бундай мисолларни тадбиркорликнинг исталган йўналишидан келтириш мумкин. Бинобарин, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимизнинг устувор йўналиши сифатида ўзини намойён этмоқда. Кўп ишбилармонлар бизнесини бутун мамлакат миқёсида кенгайтириб, минглаб иш ўринлари яратиб, нуфузли йирик компанияларга айланаётгани, ички ва ташқи бозорда нуфузи ҳамда брендига эга тадбиркорлар синфи шаклланаётгани шундан далолат беради.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ТЕКШИРУВЛАР СОНИ КЕСКИН КАМАЙТИРИЛДИ

СОҲА ВАКИЛЛАРИНИ ЭНГ КўП БЕЗОВТА ҚИЛАДИГАН ОМИЛЛАРДАН БИРИ ШУ ЭДИ



Дилмурод ҚОСИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил

Бошланиши 1-бетда

биркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш таъқиқланади.

Ҳужжатнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, энди тадбиркорлар фаолиятдан камчилик қидириш ва уни жазолаш эмас, балки унга аввал бошидан ишни тўғри ташкил қилишни ўргатиш ҳамда қайси хатти-ҳаракат қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги хусусида профилактик тадбирлар ўтказиш орқали тушунтириб бориш биринчи даражага чиқарилди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти текширилишида қўнубузилишларга йўл қўйилишининг олдини олиш бўйича профилактика тадбирлари белгиланган тартибда ўтказилгандан сўнггина йўл қўйилади. Бундан солиқ текширувлари, жиноят ишлари ва тезкор-қидирув фаолияти доирасида, шунингдек, қўнучилик ҳужжатлари бузилиши ҳақидаги мувожаатлар ва маълумотлар асосида ўтказилаётган текширувлар мустасно.

Барча жараёнлар “Ягона давлат назорати” ахборот тизимига маълумотларни киритиб бориш орқали таҳлил қилинади.

“Ягона давлат назорати” ахборот тизими ишга туширилгандан сўнг 39 назорат органининг 505 дан ортиқ назорат ваколати рўйхати, соҳага оид 200 дан ортиқ норматив ҳужжатда белгиланган 46 мингдан ортиқ мажбурийлирини уларнинг розилигисиз қўнунга хилоф равишда ўтказиш ёки олиб қўйиш ёхуд ортиқча ундирилган пул

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган янги моддага кўра, тадбиркорлик субъектлари банк ҳисобварақларидан пул маблағларини уларнинг розилигисиз қўнунга хилоф равишда ўтказиш ёки олиб қўйиш ёхуд ортиқча ундирилган пул



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ўқиш учун МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

маблағларини ўз вақтида қайтармаслик, оз миқдорда талон-торож қилиш аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, базавий ҳисоблаш миқдорини йиғирма баробаридан қирқ баробаргача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, Жиноят кодексига киритилган моддада шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз баробаридан жиноятнинг оғирлигидан келиб чиқиб етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланди.

“Йўл харитаси” ижроси юзасидан тадбиркорлар фаолиятида ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш ва қўнун талабларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилишини таъминлаш мақсадида 2022 йил 13 сентябрда Президентнинг “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишни мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Шу асосда қабул қилинган низомга кўра, 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилаётган барча текширувлар “Ягона давлат назорати” ахборот тизимида рўйхатга олингани ва мазкур тизимда рўйхатга олинмаган текширувларни ўтказиш ноқонуний ҳисобланиши қатъий белгилаб қўйилди.

2023 йил 1 январдан бошлаб назорат қилувчи органларга “Ягона давлат назорати” ахборот тизимидаги давлат ривожланиш функциялари реестрига киритилмаган функциялар бўйича тад-


тида ўтказилаётган текширувларнинг тартибга солинишига ва асоссиз аравалар камайишига эришилди.

Тадбиркорлик соҳасида давлат назорати билан боғлиқ катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш имконини берувчи “Ягона давлат назорати” ахборот тизими билан тадбиркорларга:

— ўтказилган ва ўтказилиши режалаштирилаётган текширувлар ҳақида нафақат компьютер, балки махсус мобил илова ҳамда телеграм бот ва СМС хабар орқали тегишли маълумотларни олиш;

— тадбиркорларга ўтказилган текширувлар бўйича назорат органи ходимининг хатти-ҳаракати баҳо бериш ва коррупция ҳолатлари ҳақида шикоят қилиш имконияти яратилди. Бундан ташқари, сўнгги йилларда амалиётда фойдаланилмаётган Текширувларни рўйхатга олиш китоби электрон форматда қайта тикланди. Китобга текширув тўғрисидаги маълумотлар киритилишида номувофиқликлар аниқланса, масалан, текшириш ҳуқуқи бўлмаган ёки текширувга чиқиши белгиланмаган назоратчининг маълумотлари киритилса, электрон китоб ўша вақтнинг ўзида бундай номувофиқликларни кўрсатиб, текширув ноқонуний экани ҳақида хабар беради.

Бундай янгиланишлар, табиийки, соҳа вакиллари фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Уларни турли кераксиз қозғозбозлик ва оворогарчиликлардан ҳимоя қилади. Ҳимояни ҳис қилган ишбилармон эса истиқболга катта ишонч билан янги лойиҳаларни амалга ошириш ҳаракатида бўлади.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ўқиш учун МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

СТАТИСТИКА

РАҚАМЛАРДАГИ ЮТУҚЛАР



Комил ГУЛБОВЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари

2023 йил январь-июнь ойлари ҳолатига кўра, ҳар минг кишига 13,9 тадбиркорлик субъекти тўғри келмоқда.

Берилаётган имконият ва имтиёзлар, қўлай шарт-шароит ва ташаббуслар фаол қўллаб-қувватланаётгани

Ишлаш учун қўлай муҳит ривожланишга йўл очади. Мамлакатимизда яратилаётган имконият ва шарт-шароит тадбиркорлар сафи янада кенгайишига сабаб бўлмоқда. Уларни фаолият тури кесимида таҳлил қилаётган бўлсак, энг юқори улуш савдо тармоғига тўғри келади. Ҳозирги кунда юртимизда 154 минг 401 та ёки жами кичик корхона ва микрофирмаларнинг 37,6 фоизи савдо билан шуғулланмоқда. Саноатда 68 минг 746 та ёки 16,7 фоизи фаолият юритмоқда. Кичик бизнес вакилларининг энг кўпи, яъни 20,2 фоизи Тошкент шаҳрида ишлайди.

туфайли жорий йилнинг олти ойида 46,3 мингта янги кичик корхона ва микрофирма (фермер ва деҳқон ҳўжаликлари бундан мустасно) иш бошлади. Мамлакат ривожига иқтисодиётнинг асосий тармоқлари қанчалик муҳим ўрин эгаллаган бўлса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳам ўз мавқени шунчалик мустаҳкамлаб олмоқда. 2018 йилдан жорий йилнинг олти ойи ичда юртимизда жами 470 минг 356 янги кичик корхона ва микрофирма ташкил этилди.

Саноат соҳаси иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига муҳим ўрин тутаяди. Уларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 2018 йилда 37,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилнинг ярмига келиб, 26 фоиз атрофида бўлди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қурилиш соҳасида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Натижада шаҳару қишлоқларимизда кўплаб янги турар жойлар, ижтимоий объектлар, ишлаб чиқариш иншоотлари қад ростлади. Темир йўл ва автомобиль йўллари қурилди. Бу жараён изчил давом этмоқда. Мазкур соҳада кичик бизнес

субъектлари улуши жорий йил ўртасига келиб, 2018 йилдаги 73,2 фоиздан 77,1 фоизга етгани ушбу йўналишдаги ишлар нечоғлиқ жадал кечаётганини аңлатади.

Бундай ижобий ўсиш суръатлари умумий экспорт ҳажмида ҳам яққол кўзга ташланади. Яъни шу давр ичда соҳа вакилларининг ташқи бозорга чиқиши 0,4 фоиз збирликка кўпайган.

Тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, кўплаб бюрократик тўсиқларга барҳам бергани




Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари етиштириш ҳажмидаги улуши, фоизда.

Тадбиркорларимиз қишлоқ ҳўжалиғида ҳам анча фаол. Яъни ўтган йили қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари етиштиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссаси 95 фоиздан ошган бўлса, 2023 йилнинг январь-июнь ойларида яна 1,6 фоиз ўсди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қурилиш соҳасида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Натижада шаҳару қишлоқларимизда кўплаб янги турар жойлар, ижтимоий объектлар, ишлаб чиқариш иншоотлари қад ростлади. Темир йўл ва автомобиль йўллари қурилди. Бу жараён изчил давом этмоқда. Мазкур соҳада кичик бизнес

шундай ижобий ўзгаришларга замин яратмоқда. Сўнгги йилларда шу мақсадда ўтказилаётган ислохотлар натижасида соҳани ривожлантиришга қаратилган мингдан ортиқ қўнун, фармон ва қарор амалиётга татбиқ этилгани, улар асосида 114 та лицензия ва рухсатнома берор қилиниб, 33 фаолият тури хабардор қилиш тартибига ўтказилгани фикримиз тасдиғидир. Ортиқча текширишлар, нақд пул, валюта ва хомашё бўйича кўплаб чекловлар олиб ташлангани эса уларга янада куч бағишлаяпти.



Ўзбекистонда фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони динамикаси (ҳар 1000 кишига, бирликда).

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ўқиш учун МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланғич 1-бета

Инфратузилманинг ўзгариш суръати

Тахлилларга кўра, бугунги кунда 100 дан ортиқ соҳа ва йўналишда ислохотлар амалга оширилмоқда. Шулардан бири ва энг кўп эътибор қаратилаётгани маҳаллалар билан боғлиқ ислохотдир.

Бу ҳақда гапни сал узоқроқдан бошлаш керак. Президент Шавкат Мирзиёевнинг маҳаллаларга илк ташрифидан бири 2017 йил 22 июль кунини Тошкент вилояти Паркент туманидаги “Марказий” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлган эди.

Ушанда давлатимиз раҳбари “Маҳалла тўғрисида қонун, шароит бор, лекин маҳалла раисининг жавобгарлиги, қўйи тизим йўқ эди. Энди маҳалла фуқаролар йиғинида катта ваколат ва имконият берилди. Маҳалла раиси маслаҳатчилар билан бирга ўз ҳудудининг эгаси бўлиб, ҳар бир хонадондаги ҳолатни, одамларнинг талабларини билиши ва унга кўмак бериши керак”, деган эди.

Шундан буён орадан олти йилдан зиёроқ вақт ўтиб, янги Ўзбекистон маҳаллаларининг бутунлай янги қиёфаси пайдо бўлди.

Авалло, маҳалла институти фаолиятини ривожлантиришга доир ҳуқуқий асослар мустаҳкамлангани ва иқтисодий жабҳадаги ўзгаришларни айтиш ўринли бўлади.

Стратегик дастурлар асосида маҳалла институтининг жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларда ўрни тора мустаҳкамлаб бормоқда. Маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асослари тақомиллаштиради. Жумладан, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазириги тизимидagi Маҳалла институти ривожлантириш департаментидан маълум қилишларича, биргина жорий йилнинг дастлабки олти ойида маҳалла институти фаолияти самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлини айлантириш мақсадида 10 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди. Уларда фуқароларнинг ўз маҳалласи ҳаётидаги иштирокини кучайтириш ҳамда давлат органлари ва маҳаллалар ўртасида тўғридан-тўғри алоқани йўлга қўйиш, маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жойларда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги ролини ошириш, маҳаллани фақат ижро этувчи эмас, муҳим ташаббусларни илгари сурадиган ва уларни рўёбга чиқарадиган етакчи тузилмага айлантириш масалалари кўзда тутилган.

Янги тахрирдаги Конституциямизда маҳалла фуқаролар жамияти институти сифатида белгиланди. Маҳаллий аҳамиятта молик масалаларни фуқаролар манфаати, ривожланишининг тарихий ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, миллий қадриятлар, маҳаллий урф-одат ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, қонунга мувофиқ мустақил равишда ҳал этишга ҳақли экани акс эттирилди. Шунингдек, давлат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароит яратиши, уларга қонунда белгиланган ваколатларини амалга оширишда кўмаклашиши белгиланди.

Бу маҳалла тизимини ривожлантиришининг ҳуқуқий асослари эди. Иқтисодий жабҳадаги ўзгаришлар эса қуйидаги мисолларда кўзга ташланади.

Биринчи мисол: ташаббусли бюджетлаштириш масаласи шу йил бошида қизил мухокамаларга, қарама-қарши фикрларга сабаб бўлди. Кимдир уни керак деса, бу тизим ўзини оқламайди, дегувчилар ҳам топилди.



Ҳозир биз бу баҳсни давом эттириш фикрида эмасмиз. Фақат бир маҳалла раиси мулоҳазаларини келтирмоқчимиз. — Утган йилларда бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш йўлга қўйилгани айни мўда бўлди, — дейди Қибрай туманидаги “Дурмон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нигмат Исроилов. — Бу имконият маҳаллаларда кўп йиллардан буён аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этишда кўл келмоқда. Масалан, маҳалламиз аҳли икки йил мобайнида кетма-кет ташаббусли бюджетлаштириш жараёнида голиб чиқди. Натижада ички кўчалар таъмирланди, трансформаторимиз янгиланди. Бир қарашда бу ишлар арзимасдек туюлиши мумкин. Аммо унинг ортида уч ярим мингдан кўпроқ инсоннинг тақдири ётибди. Бугун обод этилган текис-равон йўллардан юридиган ҳар бир киши, албатта, ҳаётга шукрона қилади. Қолаверса, маҳалладошлар тафаккурида одамлар ҳамжихат бўлиб ҳаракат қилса, ҳар қандай муаммо ечим топиши мумкин, деган қараш юксалади.

Кейинги йилларда ташаббусли бюджет лойиҳаси ҳар биримизнинг ҳаётимизда шундай из қолдирмоқда. Ҳў кўчаси, маҳалласи, мактаб ва боғчалар, коммунал тизимлар ва бошқа ижтимоий муассасаларни реконструкция қилиш, тақомиллаштириш учун ўзимиз курашишга, овоз беришга чоғланмоқдамиз.

Халқимизнинг бу борадаги интилиш ва ташаббусини қўллаб-қувватлаш давлатимиз сивасатининг муҳим йўналишига айланмоқда. Хусусан, маҳаллалар учун “Очиқ бюджет” портали имкониятлари янада кенгайтирилиши ва унга ажратиладиган маблағ 3 қарра оширилиши кўзда тутилмоқда. Энди ташаббусли бюджетлаштириш лойиҳаларида голиб бўлиш учун 1,5 минг овоз етарли бўлади ва ушбу мақсадларга илк якунига қадар яна 1,2 триллион сўм ажратилади. Бундан ташқари, жорий йил давомида маҳаллалардаги муаммоларни бартараф этиш учун маҳаллий ҳокимликларга 5 триллион сўм берилади.



Иккинчи мисол: бугун маҳалла ислохотлари ҳақида сўз борганда молиявий мустақиллик масаласи ҳам тилга олиниши керак бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, яхши кунимизга ҳам, ташвишли онларимизга ҳам энг аввал маҳалла шохид бўлади. Қувончимизга шерик, ташвишимизга елка тутиб турувчи тиргагимиз ҳам — маҳалла.

Қолаверса, кундалик эҳтиёжимиз учун ўта муҳим бўлган электр, газ, сув таъминоти ва бошқа ҳаётий масалалар юзасида муаммо туғилганда ҳам маҳаллага мурожаат қилишга оdatланиб қолдик. Ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларга ёрдам бериш, жиноятчиликнинг, оилаларда зўравонликнинг олдини олиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, ёшлар таълим-тарбияси, аҳоли бандлиги, ижтимоий муҳофазаси, ҳудуд тозаллиги ва бошқа масалаларни ҳал этишда маҳалла асосий таянчимизга айланди.

Ана шундай вазифаларни бажаришда ҳар бир маҳалланинг ўз ёндашуви, ўз йўналиши бўлади. Энг муҳими, буларнинг барчасини ҳал этиш учун ташкилий чора-тадбирларни тўғри белгилаш баробарида молиявий кўмакка эҳтиёж туғилади. Шу жиҳатлар эътиборга олиниб, кейинги йилларда маҳалланинг молиявий мустақиллигини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, аҳолидан йиғиладиган мол-мулк ва ер солигининг 10 фоизини маҳалла бюджетига қолдириш тизими жорий қилинди.

— Мисол учун, бу тизим орқали жорий йилда биргина Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 40 та маҳалланинг ҳар бирида ўртача 75 миллион сўмдан маблағ қолиши прогно қилинмоқда. — дейди Маҳалла институти ривожлантириш департаменти бош мутахассиси Шаҳоб Раҳимов. — Энди ушбу мол-мулк ва ер солиғи ягона мулк солиғи бўлиб бirlашлади ва



Жараён

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

ИЖТИМОЙЙЛАШУВ ҲОДИСАСИ



аҳолидан ундириладиган қисми маҳалла бюджетига тўлиқ ўтказилади. Шунингдек, аҳолининг мол-мулк ва ер солиқларидан қарздорлиги бўйича 500 миллион сўм пеня кечиб юборилади. Бу ишлар маҳалла институтининг молиявий мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Натижада ҳудудда аҳолини қийнаётган кўпгина масалаларга ўз вақтида ечим топилади ва халқимизнинг турмуши янада фаровон бўлишига эришилади. Шунингдек, қаерга боғча, мактаб ёки поликлиника қурилишини вазирлик ёки ҳокимлик эмас, балки маҳалланинг ўзи ҳал қиладиган тизим яратилади. Бу аҳолининг маҳалла ҳаётида, юртимиздаги ислохотларда фаоллигини янада оширишга хизмат қилади.

Ютуқлар ўзимизники. Муаммо-чи?

Агар эътибор берсак, кейинги йилларда катта-катта ўзгаришлар ҳақида



гапиривча оdatландик. Ҳаётимиз ва кун тартибимиз ўзгарди. Шунга монанд режаларимиз ва мақсадларимиз ҳам янгилана бормоқда. Ҳар биримизнинг ҳаётимиздаги бу каби ўзгаришлар ҳодисасида маҳалладаги ислохотлар муҳим ўрин тутди.

Чуқки маҳалла миллий урф-одат ва анъаналаримиз бешиги, одамларни ўзаро бир-бири билан уйғун, баҳамжихат яшаши ургатадиган, инсон онгу тафаккурига дахлдорлик каби улғувор туфайли юз этадиган бетакрор маскан. Шу боис, азал-азалдан аждоқларимиз ушбу қадриятни эъзозлаб, унинг давомийлигини таъминлаш учун жиҳду жаҳд қилган.

Бугун дунёнинг қиёфаси тубдан ўзгармоқда, глобаллашув шиддатли тус олиб, ўзаро алоқалар тезлашмоқда. Бундай вазиятда тарихий анъаналар ҳам замон шиддатига ҳамоҳанг тарзда янгилашиб боришини давр тақозо этмоқда. Жумладан, асрлар оша барҳаёт яшаб келаётган маҳалла қадрияти тарихий қиёфасини сақлаган ҳолда бугунги кун билан ҳамнафас бўлиши ҳаётнинг муҳим талабидир.

Учинчи мисол: илгарилари маҳалла маркази ҳақида сўз борганда, асосан, ёши улуг отахонлар тўпланиб, чой устида гурунқ қиладиган гузар тушуниларди. Бугунги тасаввурларимиз бутунлай бошқача. Маҳалла маркази, деганда замонавий бино, аҳолига хизмат кўрсатадиган инфратузилмалар, кутубхона ва бошқа маънавий нукталарини бир жойга жамлаган маскан кўз олдимизга келади. Охириги йилларда маҳалла инфратузилмасини тубдан ўзгариштириш, замонавийлаштириш борасидаги ишлар натижасида унинг қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида 322 маҳалла биноси қурилди, 251 таси жорий таъмирланди. 591 тасида қурилиш ишлари давом этмоқда. 269 маҳалла компьютер ва 394 таси мебель билан таъминланди.



“БУГУН МАҲАЛЛА ИСЛОХОТЛАРИ ҲАҚИДА СЎЗ БОРГАНДА МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИК МАСАЛАСИ ҲАМ ТИЛГА ОЛИНИШИ КЕРАК БЎЛАДИ. ЮҚОРИДА ТАЪКИДЛАГанимиздек, ЯХШИ КУНИМИЗГА ҲАМ, ТАШВИШИ ОНЛАРИМИЗГА ҲАМ ЭНГ АВВАЛ МАҲАЛЛА ШОХИД БЎЛАДИ. ҚУВОНЧИМИЗГА ШЕРИК, ТАШВИШИМИЗГА ЕЛКА ТУТИБ ТУРУВЧИ ТИРГАГИМИЗ ҲАМ — МАҲАЛЛА.

“Бешлик тизими”дан “еттилик тизими”га

Маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси каби янги мутахассислар иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмади. Бироқ уларнинг фаолияти натижаси қисқа вақтдаёқ яққол кўзга ташланади. Буни аҳолининг маҳаллага илгаридегидек моддий ёрдам сўраб эмас, кўпроқ тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун мурожаат қилаётгани, хотин-қизлар ва ёшлар ўз ҳуқуқларини тораба чуқур англаб, яратилаётган шароитлардан унумли фойдаланишга интилаётгани яққол исботлайди.

Аҳолининг бу борадаги интилиш ва саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллаларда янги ташаббуслар ёйилмоқда. Масалан, пайтахт-тимизнинг Чилонзор туманидаги Катта Чилонзор-3 маҳалласи мисолида “бешлик тизими” томонидан “Бир пилла чой устида” тизимида хонадонларда сўхбат ўтказиш, муаммоларни ўрганиш ҳамда ҳал этиш йўлга қўйилди. Ҳар ҳафтада маҳалладаги “бешлик тизими” томонидан аниқланган, лекин бартараф этилмаган муаммолар бўйича маълумотлар тегишли давлат органлари ва ташкилотларга киритилади. Уйма-уй юриш орқали ободонлаштириш ва кўкчамдорлаштириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда.

Бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ўрганиш ва муаммоларга ечим топиш мақсадида маҳалла кенгашида ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспекторларининг 32,5 мингдан зиёд ҳисоботи эшитилди.

Маҳалла институти ривожлантириш департаментидан маълум қилишларича, маҳалладаги “бешлик тизими” янада тақомиллаштирилади. Янги тизимга кўра, ҳар иккита маҳаллага бир нафар профессионал ижтимоий ходим бириктирилади ва улар 31 тоифага мансуб кийин шароитдаги аҳолига манзилли асосда 90 дан ортиқ ижтимоий хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, келгуси йилдан бошлаб туман бандлик идораларининг бир қатор вазифалари маҳаллага ўтказилади.

Жумладан, Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишис аҳолини ободонлаштириш ва мавсумий ишларга жалб қилиш, уларга ҳақ тўлаш ваколати маҳалла раисига берилади. Туман меҳнат бўлими вақант ўрин-ўрини аниқлаш ҳамда жойида ҳал этиш мақсадида 4 мингдан ортиқ маҳаллада сайёр қабуллар ўтказилиб, 24 минг 930 фуқаронинг муаммоси ҳал этилгани эътиборли жиҳат.

Эса бир қувонарли ҳолат: амалга оширилаётган тизимли ишлар туфайли маҳаллаларда тинчлик-осойишталик таъминланмоқда. Яъни жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича ўтказилаётган тарғиботлар натижасида ўтган давр мобайнида 5015 маҳаллада жиноят содир этилмади.

Бирок ҳали маҳаллаларимизда тинч-лигимизга, ҳамжихатлигимизга раҳна солаётган муаммолар йўқ эмас. Масалан, жорий йилнинг ўтган 6 ойида маҳаллаларда барвақт олдини олиш мумкин бўлган 12 мингга яқин жиноят содир этилган. 9500 га яқин маҳалланинг 1500 тасида қримноген вазият бор. Табиийки, бу ҳолат инсон тақдирига, айниқса, ёшлар қамолотига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Президентимиз раислигида жорий йил 28 июль кунини ҳудудларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видео-селектор йиғилишида шу хусусда алоҳида сўз юритилди ва бундай муаммолар билан курашиш йўллари кўрсатиб ўтилди. Хусусан, энди маҳаллада жиноятчиликни жийловлаш борасида янги-чи й тартибга ўтирилиши белгиланди. “Ижтимоий профилактика” бўйича маҳалла масъулларининг вазифалари ва методикасини ишлаб чиқишга кўрсатма берилди. Вилоят — туман — маҳалла кесимида ижтимоий ва қримноген муаммоларни рақамлаштириш орқали “Ижтимоий вазият” ахборот тизимини, шунингдек, “112” тезкор рақами ва диспетчерлик тизимини ишга тушириш вазифаси қўйилди.

лар ҳақидаги маълумотларни маҳаллага тақдим этиб боради. Маҳалла раиси эса ўз ҳудудидаги ишсизларни танлаб ишга жойлаштиради. Шунингдек, тумандаги солиқ инспекторлари ҳам маҳалладаги “бешлик тизими”га бириктирилади. Энди ҳоким ёрдамчилари тадбиркорлар лойиҳаси “юрим кетиши”га кўмаклашади, солиқ инспекторлари уларга бухгалтер сифатида ёрдам беради. Шу асосда жойлардаги муаммоларни ҳал қилишда маҳалланинг роли кучайтирилади, “маҳалладаги еттилик” тизимига ўтилади.

Ҳар бир маҳалланинг ўз муаммоси, ташвиши бор. Унинг ечимини топиш маҳалла фаолларидан, айниқса, оқсоқолдан ҳаракатчанлик, ташаббускорлик талаб этади. Қолаверса, аҳолининг хоҳиш-истагини ҳам инобатга олиш керак. Хуллас, маҳалладаги вазифаларни

ҳал этишда “Етти ўлчаб, бир кес” ҳикматида амал қилиш муҳим.

Маҳалла раислари бугунги кунда тегишли чора-тадбирларни амалга оширишда ана шу жиҳатларга эътибор қаратаётгани халқнинг оғирини енгил, мушкулни осон қилмоқда. Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги Наврўзобод маҳалласида эришилаётган натижалар бунга мисол бўла олади. Бу ерда фаоллар ва аҳоли ҳамжихатлигида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари туфайли маҳалла обод бўлмоқда, оилалар фаровонлиги ошмоқда.

— Маҳалламизда икки мингдан кўпроқ оилада ўн мингга яқин аҳоли яшайди, — дейди “Наврўзобод” МФЙ раиси Илём Абдураҳмонов. — Ҳудудимизда 36 та кўп қаватли йў бор, 1200 оила эса ховлида истиқомат қилади. Иш фаолиятимизни ташкил этишда аҳолининг талаб ва истаги, эҳтиёжидан келиб чиқамиз. Хусусан, асосий эътибор ободончилик ва реконструкция ишларига қаратилмоқда. Натижада ҳудудимиздан ўтувчи дренаж реконструкция қилинди, канализация тизими барпо этилди. Сув таъминотида муаммо бор эди, унинг ҳам ечими топилиди. Ҳозир хонадонларга водопровод суви тўлиқ етиб бормоқда. Табиийки, бу қулайликлар одамларнинг турмуши обод, рўзғори бутлигига замин бўляпти.

Ватан ичра қилган ватан бўлган маҳалларимизда амалга оширилаётган эзгу ишлар бардавом бўлажак. Президентимиз қорақалпоғистонлик сайловчилар билан учрашувда бу хусусда таъкидлаб, маҳаллаларда туб ислохотларни амалга ошириш бўйича истиқболдаги режаларга тўхталиб ўтди. Хусусан, ҳар бир кўча ва кўп қаватли уйларда аҳоли ўзига жамоатчилик асосида кўчабоши, кўчабой ва уйбошиларни сайлайди. Улар фуқаролар йиғини кенгаши таркибига киритилади ва “маҳалладаги еттилик” олдиға аниқ масалалар кўзди. Маҳалладаги “жамоатчилик овози” ҳам кўчабоши, кўчабой ва уйбошилар бўлади.

Маҳалла раислари ваколат мuddатини 3 йилдан 5 йилга узайтириш режалаштирилган. “Маҳалладаги еттилик” тизими ягона жамоа бўлиб ишлаши учун улар ҳам 5 йил мuddатга сайланади. Маҳалла раисларига ушбу тизим ходимларини рағбатлантириш, зарур бўлганда чора қилиш бўйича таклиф киритиш ваколати берилди.

Шу билан бирга, маҳалла раисларининг халқ олдидаги масъулияти ва жавобгарлиги аниқ белгиланади. Одамларнинг ишончини қозонмаган маҳалла



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА УҚИШ УЧУН МАЪҚУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



раислари бўйича аҳоли томонидан “раис ваколатини мuddатидан илгари тугатиш ҳақида таклиф киритиш” тартиби жорий қилинади. Энг муҳими, келгусида туман ва шаҳар ҳокимларини ўзининг меҳнати, фидойилиги билан амалий натижа кўрсатган ушбу маҳалладаги вакиллар орасидан сайлаш амалиёти йўлга қўйилади.

Ушбу ислохотлар келгусида маҳалла институтининг ҳаётимиздаги ўрнини янада мустаҳкамлаб, бу тизимни инсон қамолоти ва жамият ривожини йўлида муҳим қарорлар қабул қилувчи етакчи марказга айлантиради. Маҳаллада бошланган бундай улкан эврилишлар ҳар бир соҳа, ҳар бир йўналишда янги ютуқларга замин ҳокимдорлаш ва олдимизга қўйган эзгу мақсад — обод, эркин, фаровон янги Ўзбекистонни барпо этишга туртки бўлажак.



ТАЪЛИМ ОДИМЛАРИ

фойдаланган ҳолда таълим сифатини баҳолаш жараёнининг дастлабки икки босқичини ўтказилди. Биринчи босқичи — мослашди. Яъни ҳар қандай инструмент Ўзбекистон шароитига мослаштирилиши керак. Буни биз ўзимизнинг шароитга мослаштирдик. Биринчи босқичда иштирок этадиган ўн та боғчада халқаро консултант иштирокида таълим сифатини ўрганишда иштирок этадиган педагоглар тайёрланмоқда. Ҳар бир педагог махсус тренинглardan ўтади. Сўнг мана шу ўн та боғчада таълим сифатини текширади. Халқаро инструментнинг самараси нимада кўринди, яна нимага эътибор қаратиш керак, деган саволларга оидлик киритилди. Баҳолаш инструментининг самараси кўзга ташланган, шу йилнинг охиригача 100 та боғчада қўллаймиз. Бу баҳолаш

БИЛИМ ТАШИЁТГАН "Ақлвой" СИЗНИНГ ҚИШЛОҒИНГИЗГА ҲАМ БОРДИМИ?

Бошланиши 1-бетда

Рақамлар гапирганда...

Бир кун қишлоққа "Ақлвой" автобуси кириб келди. Қўёш батареяси, кондиционер, иссиқ-совуқ сув, егуликларини иситиш каби қўлайликларга эга автобусда болалар мактабга таълим олиши учун барча шароит яратилган.

Бундан 6-7 йиллар аввал 3,5 мингдан ортиқ маҳаллада давлат боғчалари йўқ эди. Болаларни мактабга таълимга қамраб олиш, шаҳар ва қишлоқларда яшаётган мурғак қалб эгаларига тенг имконият яратиш мақсадида мактабга таълимнинг муқобил шаклларини ташкил этишга киришилди. Узоқ бориш қийин бўлган ҳудудлар болаларига мактабга таълим хизматини кўрсатишга мўлжалланган "Ақлвой" автобуслари эса бу муаммага ечим бўлди.

— Қишлоғимизга илк бор "Ақлвой" кириб келганида болажонлар, айниқса, ота-оналарнинг хурсандлигини кўрганимизда эди. Юқори Чирчиқ туманининг чекка қишлоқлари — "Қорсой" ва "Миям қангли" МФЙларда мобил гуруҳлар ташкил этилиб, "Ақлвой" мактаб таълими билан қамраб олинмаган ўнлаб қоракўзни ўз бағрига олгани ҳудуд аҳолиси учун чинакам байрам бўлди, — дейди тумандаги 12-МТТ директори Нафиса Маменкулова. — Икки маҳаллада ҳам автобекат қурилган. Бекатда айвонча ва яшил майдонча бўлиб, болалар учун мўлжалланган аргим-чоқлар ҳам ўрнатилган.

Мобил гуруҳларда 16 нафардан тарбияланувчи учта гуруҳда мактабга таълим учун зарур кўникмаларни ўзлаштиряпти. Ҳар гуруҳда таълим сифатини баҳолаш мақсадида "Илк қадам" дастури буйича олиб борилади.

Тасаввур қилинг: оstonадан майда қадам ташлаб кириб келаётган фарзандингизнинг "Ойи, бугун мен беш баҳо олдим", деган хурсанд кийкириги сизни қанчалар қувонтиради. Уйингиз кўрчи бўлмиш фарзандингизнинг ҳар бир ютуғи кўксингизни тоғдек кўтарари. Зеро, ота-она учун фарзанд камолини кўришдан ортиқроқ бахт йўқ. Ҳа, мактабга таълим



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

нинг муқобил тури бўлган ушбу лойиҳанинг пилот босқичида мобил боғчаларга талаб юқорилиги маълум бўлди ҳамда юртимизнинг бошқа олис ва чекка ҳудудларида ҳам ташкил этила бошлади.

Автобус йўналишининг ҳар бир уйин майдончаси махсус қурилган соябонли уйингоҳ билан жиҳозланган. Болалар бу уйингоҳ ва автобусларда қизиқарли уйин шаклидаги машғулотларда қатнашади.

"Ақлвой" мобил гуруҳи 2019 йил фаолият бошлаган. Мактабга таълим ташкилоти бўлмаган олис ва чекка ҳудудларда МТТга қамраб олинмаган болаларни мактаб таълимига тайёрлаш мақсадида йўлга чиққан автобус Паркент туманининг чекка Санганак ва Номданақ қишлоқларига ҳам етиб борди. Бу қишлоқларнинг ҳар биридан 48 нафардан бола ушбу "автобус боғча"га жалб этилган.

"Ақлвой"да тарбияланувчилар учун барча қўлайлик яратилган. Иссиқ-совуқ сув учун кулёр, егуликларини иситиш учун микротўқинли печ, хона ҳароратини меъёрга ушлаш учун кондиционер, болалар машғулот ўтатиш учун стол-стуллар, махсус бурчаклар, ўйинчоқлар, телевизор ҳам бор.

— Қишлоғимизда илгари боғча бўлмаган. Биз ҳам болаларимиз ораста кийиниб, боғчада таълим-тарбия олишини орзу қилганмиз. Энди ана шу орзумиз ушалди. Олти ёшли қизим ҳам мобил боғчага қатнашди. Уйга келган, бизга шеърлар айтиб беради, санайди, расм чизиб кўрсатади. Қишлоғимиз болалари ҳам шаҳардаги тенгдошлари билан бир хил таълим олаётганидан хурсандимиз, — дейди санганаклик Мамсуда Тешабоева.

2019-2020 ўқув йилидан бошлаб лойиҳа дастлаб юртимизнинг 13 ҳудудидagi марказдан олис 44 маҳалла фуқаролар йиғинида амалиётга татбиқ этилди. Қайта жиҳозланган 16 ISUZU русумли автобус базасида 93 мобил гуруҳ ташкил этилиб, мактабга ешдаги бир ярим мингдан зиёд бола қамраб олинди.

Бу йил май ойида ана шундай 7 автобус Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига юборилди. Натияжада мобил гуруҳлар базасида мактабга таълим хизматларини кўрсатиш буйича 156 МФЙда 72 автобус базасида ташкил этилган 429 мобил гуруҳга 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган 7 мингга яқин ўғил-қиз қамраб олинди.

Болаларнинг мактабга таълимга қамровини ошириш жуда катта иш. Келинг, бу буйича қилинган ишларга бир қур назар ташлаймиз. Аввало, ўтган даврда боғчалар сони 5 баробар оширилди. Мактабга таълимнинг турли шакллари йўлга қўйилди. Давлат-хусусий шериклик, хусусий оилавий мактабга таълим ташкилотлари, мобил гуруҳлар ташкил этилди. Буларнинг ҳаммаси болаларга илк ёшдан сифатли таълим-тарбия бериш, уларни ҳар жиҳатдан етуқ қилиб тарбиялашни мақсад қилган.

Шу ишлар туфайли 2017 йилда 708 минг бола боғчага борган бўлса, бугун улар сони 2 миллиондан ошди. Бу ҳам бўлса кичик ёшдаги болаларни мактабга таълимга қамраб олиш баробарида уларни ҳар томонлама ривожлантириш, келажакда яхши инсонлар қилиб ўлғатириш учун қилинаётган катта ишлар.

ҲАММАСИ ЯХШИ, ЛЕКИН ТАЪЛИМ СИФАТИ-ЧИ?

2017-2021 йилларда соҳада асосий урғу айнан қамров масаласига қаратилган бўлса, эндиликда сифат масаласи кун тартибига чиқмоқда. Айнан мактабга ешдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари ва "Илк қадам" давлат ўқув дастури яратилгани бу борада яхши иш бўлди. Жаҳон миқёсида тан олинган бу дастурнинг ўзига хослиги шундаки, у бола шахсига йўналтирилган. Уйин методи орқали компетенциявий ёндашув асосида ишлаб чиқилган. Ушбу ёндашув мактабга ешдаги боланинг ҳар томонлама етуқ, руҳан соғлом, жиҳсонан бақувват бўлиб ривожланиши учун хизмат қилиши керак. Боланинг мактаб таълимига ўтишида муҳим 4 та компетенция шаклланади. Булар: коммуникатив,

инструменти нафақат давлат мактабга таълим ташкилотлари, балки оилавий боғчаларда ҳам қўлланиб, ҳамма жойда сифат бир хиллиги таъминланади. Шу билан бирга, ҳар бир мактабга таълим ташкилотиди бу борадаги камчиликларимизни аниқлаб, уларни бартараф этиш, жойларда мактабга таълим сифатини ошириш буйича кейинги қадамларни қўя бошлаймиз. Тўғри, ўтган даврда боғчалар сони жиҳатидан яхши кўрсаткичга эришдик. Чунки олдимизда дастлабки турган мақсад болалар қамровини ошириш эди. Энди эса тўлиқ сифатга эътибор қаратиляпти. Мактабга таълим сифатини таъминлашда ўқув-методик таъминоти алоҳида аҳамиятга эгалигини айтиш керак. Бу буйича ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Мисол учун, ўтган йилнинг ўзида биринчи марта нодавлат оилавий мактабга таълим ташкилотлар 42 миллиард сўмлик ўқув-дидактик материаллар билан таъминланди. Жорий йилда эса яна 8 мингта нодавлат боғча 35 номдаги ўқув дидактик-материаллар билан таъминланиши кўзда тутиляпти. Шу кунларда бу ўқув материаллари тайёрлаб қўйилган. Янги ўқув йили бошида етказиб берилади. Бу ҳам нодавлат оилавий ташкилотларда таълим-тарбия сифатини оширишга ёрдам беради.

Умуман, давлат мактабга таълим ташкилоти бўладими ёки оилавийми — таълим сифатига қўйиладиган талаб ягона. Чунки "Илк қадам" давлат ўқув дастури барча таълим ташкилотлари учун амал қиладиган ягона ўқув дастуридир.

Педагог малакаси

Мактабга таълим сифати, биринчи навбатда, шу тизимда ишлаётган педагоглар савияси, маҳорати, тайёрлиги даражасига боғлиқ. Бугун тизимда 150 мингдан зиёд мутахассис фаолият юртияпти. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 2017 йилда атиги 58 минг эди.

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб юртимиздаги олий таълим муассасаларида махсус сиртки, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб сиртки ва кечки таълим шаклларида мактабга таълим учун кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Мактабга таълим

йўналиши буйича бақлавриятда таълим олиш мудапти уч йил этиб белгиланди.

Қабул кўрсаткичларининг оширилиши, махсус сиртки ва сиртки таълим шаклининг ташкил этилиши натижасида кадрларга юқори эҳтиёжни инобатга олган ҳолда, сўнгги уч йилда мазкур таълим йўналиши буйича қабул квотаси 2,5 баробар оширилди.

Шу йилнинг 25 июнь-8 июль кунлари Мактабга таълим агентлиги ва Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ўртасидаги ҳамкорлик доирасида мактабга таълим соҳасидаги 15 нафар ўзбек мутахассиси SOON CHUN HYANG университетиди малака ошириш учун Корея Республикасига юборилди.

Таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида ўқув-дидактик мажмуалар, қўлланмалар, кўргазмалар ва тарқатма материаллар, ривожлантирувчи уйинлар ва албатта, турли ўйинчоқлар давлат томонидан ҳар ўқув йили бошида етказилиб берилади. Ҳар бир педагог янги ўқув йилига иш ҳужжатлари билан таъминланмоқда. Шулар қаторида, ҳар бир гуруҳда замонавий аудио-видео қурилмалар ўрнатилган бўлиб, таълим жараёнида фойдаланиш учун электрон ресурслар мавжуд.

Кичкинтойларнинг катта ютуқлари

Шу йилнинг 29-30 июль кунлари Санкт-Петербург шаҳрида "Academy IQ — 2023" IV Халқаро ментал арифметика олимпиадаси бўлиб ўтди. Олимпиадада Самарқанд вилояти Пайарик туманидаги "Манзуробон" нодавлат мактабга таълим ташкилоти тарбияланувчилари Саидкамол Равшанов ҳамда Сарвар Суннатов чемпион бўлди.

Ментал арифметикада қизиқарли топшириқлар орқали кичик билимдонлар нафақат ҳисоблашни ўзлаштиради, балки фикрлаш, хотира ва интеллектуал қобилиятини ривожлантиради. Бу каби нуфузли мусобақаларда жажжи болажонларимизнинг ғалабаси юртимизда таълим-тарбия тизимига берилаётган эътибор бесағарм кетмаётганини кўрсатади.

Рисолат МАДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

ДАХЛДОРЛИК

КЕЧАГИ НАТИЖАЛАР — БУГУН ТАРИХ

Улар энди бизни қониқтирмайди



ШАВКАТ ШАРИПОВ, педагогика фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Жамиятда ижтимоий онг ўзгариши билан ижтимоий муносабатлар ҳам ривожланиб боради. Жамият ва унинг ҳолати аслида инсон онгининг инъикосидир. Фуқаролар қандай эзгу амаллар билан қуролланган бўлса, ана шу руҳий қудрат истакларининг ҳосиласини олади. Бу жараён улкан тўлиқ сифатида миллатнинг муштарак мақсадларида намоён бўлаётди. Олдинда турган давр Ўзбекистон учун сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий-гуманитар соҳаларда туб бурилиш ва улкан ўзгаришлар даври бўлади. Кечаги натижа, кечаги қарава ва мезонлар энди тарих. Улар энди бизни қониқтирмайди.

Кишилик жамиятининг ривожланиши, табиат ва атроф-муҳитни ўрганиш, у билан мулоқотга киришиш ҳамда инсон манфаатига мувофиқлаштириш барча даврларда муҳим омилидан бири бўлган. Бу жараён инди индивидуаллик касб этиб, оддий одамдан тортиб, олимларнинг ёндашувларига қараганда, қарама-қаршилик ва зиддиятлик фикр-мулоҳазалар юзага келишига асос бўлган ҳолда тараққийёт томон инсониятни йўналтирган.

Ностандарт тафаккур тарзи инсон табиати хос бўлиб, одам ҳаётида ижодкорлик билан тўқнаш келади. Унинг қайсири жижатини

Инсоният томонидан яратилган давлатчилик тарихида илхотларнинг гарови ва қафолати ҳокимиятнинг самарали фаолияти билан боғлиқ ҳолда келган. Улар бошқарув маҳорати билан узоққа мўлжалланган мақсадларни режалаштиради, сиёсий ва ижтимоий жараёнларни идора қилади, аҳолини сафарбар этади, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уни одилона тақсимот қилиш вазифаларини амалга оширади. Шундай экан, давлат ва жамият бошқаруви тизимларини тақомиллаштирмасдан туриб, мамлакат ҳаётини модернизация қилиб бўлмайди. Модернизация ўз умрини поёнига етказган бошқарув услулари ни фақатгина янги сифат ва талаблар даражасига кўтариш билан мамлакатни ривожлантиришга олиб келади. Шу маънода, бугун мамлакатимиз чинакам янгилаш жараёнини бошдан ўтказмоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида кечаги натижа, кечаги қараш ва мезонларни ҳар бир раҳбар бугун ҳақиқатан ҳам тарихга айлантирмоғи ва ўз иш услубида, хатти-ҳаракатида бугунги кун талабларини сингдирмоғи лозимлиги таъкидланди. Эртага қонунларни, одамларни менсимайдиган, уларга қўпол муносабатда бўладиган, бюрократия ҳам коррупция балосига берилган ҳар қандай раҳбар билан — у вазири ёки ҳоким бўладими, бошқа масъул вазифадари амалдор бўладими — салбий ҳаракатлари билан давлат обрўсига путур етказаятган бундай кишилар билан узиш-кесил хайрлашгани шундай айтилди. Уларнинг ўрнига билимли, Ватан ва халқ ташвиши билан яшайдиган ёш йигит-қизлар қўйилишига ургу берилгани ҳам бежиз эмас. Чунки янги даврни янгича фикрлайдиган одамлар бошлаб беради. Эскича тафаккур ва дунёқарашдаги одамлар билан янгилашга эришиб бўлмайди.

Янгича савия ва тушушча билан яшашни маҳаллалардан бошлаш эҳтиёжи бугун ўта зарур. Чунки ҳозирги глобал ўзгаришлар, мафкуравий таҳдидлар шароитида маҳалла халқимизни турли мафкуравий ҳуружлардан асраш, фуқаролар онгда мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш, уларни аввало, соғлом, баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш вазифасини ўтамоқда. Фуқаролар, аввало, ёшлар мустақил дунёқарашга эга бўлиб, улар онгда ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор туғйуси шаклланса, бегона ғоллар уларга таъсирини ўткази олмайдди. Таъбир жоиз бўлса, аҳоли онгда юксак маънавият ва сифатларни шакллантириш умумхалқ ишидир. Уни фаол

ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ СУСАЙИШИ ҚАДРИЯТЛАРДАН ЙИРОҚЛАШИШ, МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ БЕҒОНАЛАШУВНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИГА САБАБ БЎЛАДИ. ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТ РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ЭҶТИЁЖЛАРИДАН БИРИ ИНСОНИЯТ ВА ҲАР БИР ШАХСНИНГ ТАҚДИРИ БИЛАН БЕВОСИТА АЛОҚАДОР МАДНИЯТ ҲОДИСАСИНИНГ МАЗМУНИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ТАРЗДА ТУШУНИШ БИЛАН БОҒЛИҚ.

ўзгариши, янги даврнинг бошланишида ҳар бир шахснинг ўзига хос хислати ва фазилатлари асосий ўрин эгаллайди. Чунки бугунги кескин рақобат оламида кечаги мезон ва ёндашувлар билан ривожланиб бўлмайди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, янги давр учун янги гоё ва ташаббуслар керак, янги натижалар керак. Шундангина у том маънода янги давр бўлади. Утмишдан, кечаги тарихдан, йўл қўйилган хато ва камчиликлардан зарур ҳулоса чиқариб, Ўзбекистоннинг дунёдаги ўрни ва нуфузини янада юксалтириш, Ватан шухрати ва шон-шарафини ҳамма жаҳонларда муносиб ва мардона ҳимоя қилиш лозим.

Мамлакатимизда ижтимоий давлат қурилиши эълол қилинди. Ҳўш, у қандай давлат бўлади? Ижтимоий давлат ўз сиёсатида ижтимоий адолат тамойилларидан келиб чиқиб, фаолият юритади. Асосий мақсад — жамиятда яратиладиган моддий ва маънавий бойликларни ижтимоий адолат тамойили асосида қайта тақсимлашдан иборат бўлади. Бунда ҳар бир фуқаронинг маънавий турмуш тарзи ҳолатини юқори даражага олиб чиқиш, аҳолининг турмуш шариоти ва сифати жиҳатдан табақаланишига, яъни улар ўртасидаги яшаш учун кетадиган сарф-харажатлар буйича фарқларнинг катталашиб кетишига йўл қўймасликка ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга мўҳтож қисмига давлат томонидан қафолатлар тизим орқали ёрдам кўрсатилиб, яратилган неъматлардан ижтимоий қафолатлар орқали ҳамма баҳраманд бўлишига олиб келади.

тарғиб қилиш оила, боғча, мактаб, олий таълим тизими, маҳалланинг асосий бурчидир, десак муболага бўлмайди.

Жамиятда маънавий-ахлоқий тарбиянинг сусайиши қадриятлардан йироқлашиш, маънавий-ахлоқий беғоналашувнинг юзага келишига сабаб бўлади. Замонавий жамият ривожининг муҳим эҳтиёжларидан бири инсоният ва ҳар бир шахснинг тақдирини билан бевоСИТА алоқадор маданият ҲОДИСАСИНИНГ МАЗМУНИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ТАРЗДА ТУШУНИШ БИЛАН БОҒЛИҚ. Замонавий жамият ривожининг муҳим эҳтиёжларидан бири инсоният ва ҳар бир шахснинг тақдирини билан бевоСИТА алоқадор маданият ҲОДИСАСИНИНГ МАЗМУНИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ТАРЗДА ТУШУНИШ БИЛАН БОҒЛИҚ. Айнан ижтимоийлашув жараёнида умуминсоний қадриятлар, ҳулқ-атвор меъёр ва қондалари, бой маданий меросни ўзлаштириш орқали уларнинг ўзлигини англашига эришилади.

Халқимиз ижтимоий тараққийта интилиши ва чўқур маънавий салоҳияти билан янги Ўзбекистонни барпо этмоқда. Замонавий шароитда мамлакатимизда жамият ва инсон фаровонлиги, ижтимоий-маънавий тақомиллини таъминлаш борасида муҳим, ўз навбатида, юксак марра қўйилиб, ёруғ истиқболни кўзлаган чора-тадбирлар олиб боришмоқда. Узани ўзи ривожлантиришга қодир шахсни шакллантириш, бугун олаётган ҳар нафасини шу эл, шу халқ тинчлиги, давлат тараққийти учун сафарбар қилиш, умуман, кечаги натижа, кечаги қараш ва мезонлар бугун тарихга айланди, деб ҳисоблашни даркор. Шу вақтга қадар эришган ҳар қандай марраларимиз бизни қониқтирмаслиги ҳамда мана шу уй-фикрларимизни миллий феноменга айлантирмоғини давр талабидир.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

31 АВГУСТ — ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

АЛАМ ВА НАДОМАТЛАР ИЧРА ЙИҒЛАГАН

ёшлик баҳори

ШҶРО ҲОКИМИЯТИ ХАЛҚИМИЗ БОШИГА ҲАҚИҚИЙ БАХТ ОЛИВ КЕЛГАНИ ҲАҚИДАГИ АҲСОНАЛАРГА ИШОНГАН ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИДАН БИРИ РАҲИМА ИСЛОМОВА ЭДИ.



1941 йил 17 май кuni махбуса Раҳима Исломова СССР Олий Советига ариза ёзди. Рус тилини билмагани учун хатни 1941 йил 7 июнь кuni Чурагулов таржимаси билан манзилга йўллайди. У депутатларга мурожаатини суд менга ноҳақлик қилди, деб бошлайди. Шундан сўнг ўз ҳаёти, фаолияти ва бошидан кечирган барча ноҳақликларини батафсил баён қилади. Ўз фикрини умумлаштириб, "Мен мутлақ айбисизман, гуноҳсизман. Ушанда 19 ёшда эдим, ҳозир 23 ёшдаман. Мана, 3 йилу 4 ойдири қамқоқман. У ёқда укаларим қолиб кетган. Депутатлар, ахир мен Ўрта Осиёданман, шимол суовуи соғлигимни олди. Ёшлигим баҳори алам ва надоматлар ичра қолди. Илтимос, мени бу зулмат лагерьдан чиқариблар, ноҳақ ҳақимни бекор қилинлар", дейди.

қамқоққа олиниб, уларнинг акаси отиб ташланади.

Раҳима Исломова 1938 йил 1 октябрда Самарқанд туманида туғилган. Сўнг Тошкентга келириб, ундан фақат битта нарсани, айбони тан олишини сўрашди. Бирок қачондир ҳақиқатнинг галаба қозонишига ишончи сўнмаган Раҳима ҳеч қачон бу тухмавларни тан олмаслигини айтиб туриб олмади. Бундан жажли чиққан ва аллақачон инсоний қиёфасини йўқотганлар уни 13 кун давомида қоронғу ва зах қароғера ташлайди. Жазонинг 14-кuni ҳам "айбони тан олиш" ҳақидаги қақирқиқа у рад жавобини беради.

1938 йил 15 октябр кuni уни "учлик" йиғинига қақиршиди. Бошидан утган барча қўрғилиқларини айтиб, ҳақиқатни талаб қиламан, деб турган Раҳимага ҳеч ким сўз бермади. Ҳеч бир гап-сўзсиз 5 минут ўтмай ҳайрат унинг мол-мулки мусодара қилиниши ҳамда ўзи ЎзССР ЖКнинг 64-, 67-моддалари билан айбонлиб, 8 йилга меҳнат тўзатиш лагерига (МТЛ) ҳукм этилиши ҳақидаги қарорни ўқиб ашшитирди.

Раҳима Исломова жазони Архангельск вилояти Котлас шаҳрида ўтай бошлайди. У шу ерда ҳам ўзининг шижоати билан фаоллар сафидан ўрин олади. Кейинги икки йил давомида лагернинг зарбдорлар тахтасидан тушмади. Айни пайтда вақт топиб, шуро давлатининг турли раҳбар идораларига 18 марта ба шижоат аризаси ёзди. Афсуски, ба аризаларнинг бириртаси ўзи манзилга етиб бормади, ҳатто эшикдан ҳам чиқмади.

Ушбу ариза асосида Раҳима Исломова иши ҳам қайта қўриб чиқишга топширилади. У прокурорнинг 1942 йил август ойидаги протести асосида ўша йил 18 ноябрь кuni озодликка эришади. Раҳима тоталитар тузум даврида таққирланган, ҳурланган, ўлдирилган, зўрланган минглаб оналаримиз, опа-сингилларимиздан бири эди. Турмуш, у ажал эшигидан тирик қайтди. Ҳатто қўп йиллар қолхоз раиси ҳам бўлиб ишлади. Бирок шуролар мамлакатининг қанчалар тубанлигини, унинг манфур формали жапподларини бир лаҳза бўлсин унутмади. Тунлари ўша малъунларнинг қилмишлари тушларига кириб ўйғонса, қайтиб ухлашга қўриб тонгни унсиз йиғлаб кутарди.

Тарих саҳифаларини арақласак, Раҳима Исломова каби ноҳақ қамалган ўзбек хотин-қизлари жуда қўлиғига амин бўламиз. Уларнинг бор-йўқ айби бир миллатларвар ўзбек ўлғонининг турмуш ўртоғи бўлгани ёки не-не ниятлар билан илм олиб, олимпиа, шоира, журналист, шифокор, муҳандис бўлиб етишгани эди. Ватани учун бор меҳру шижоати билан курашга отланган бу мардона аёлларнинг аччиқ қисматлари ҳақида ҳижоа қилиш ҳам қанчалар аламли ва оғир. Ушбу табарруқ кунларда барча жабрдида она ва онапаримизнинг гуноҳларини Аллоҳим мағфират этсин, дея дуо қиламиз.

Баҳром ИРЗАЕВ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи катта илмий ходими

У 1918 йилда Каттақўрғоннинг Алижон қишлоғида камбағал деҳқон оиласида дунёга келган. Раҳима оилада катта фарзанд бўлиб, ўта қизиқувчан, иқтидорли эди. Шўро мактабида аъло баҳоларга ўқиди. Унинг гўдак қалби шўро мактаби дастури, китоблари, киносига сингирилган ёлғонлар билан тўлган эди. Ўзига юклатилган хар бир вазифани сидқидилдан бажарадиган бу оловқалб қиз 1929 йили комсомол сафига қабул қилинади.

1930 йилда Раҳиманинги отаси вафот этиб, катта оиланинги барча ташвиши ёш қизнинг зиммасига тушади. 1930-1936 йилларда қолхозда бор фойраси ва шижоати билан меҳнат қилди. Ёш фаол сифатида ҳамма тадбирларнинг олд қаторида бўлди. Шўролар шаънига тинмай мадҳиялар қўйлади. 1936 йилда 6 ойлик комсомол курсини битириб келиб, 1937 йил январдан Митан тумани комсомол қўмитаси котиби ўринбосари бўлди. 1937 йил июлда Тошкентда утган комсомол курултойида қатнашди. ЎзССР комсомол ташкилоти котиби Исроиқ Ортиқов билан учрашиб, унга туман ёшларининг истақларини етказди, мавжуд муаммоларни муҳокама қилди. Шундан сўнг И.Ортиқов Митан тумани партия қўмитаси биринчи котиби Жуманиёз Матниёзовга чиқиб, Раҳима Исломова ва туман комсомолларига ёрдам беришини сўради.

Раҳима 1937 йил 7 августдан Митан тумани комсомол қўмитаси котиби сифатида иш бошлади ва қисқа вақтда ёшларни бир фоя остида жиқлаштириш, меҳнат-кашларнинг турмуш шароитини яхшилаш борасида катта ишларни амалга оширишга

эришади. Айниқса, мактаб ва маориф ишларини ривожлантириш, ёшларнинг таълим олиши масалаларида фаол ҳаракат қилади.

1938 йил 24 январь кuni Ички ишлар халқ комиссарлиги Митан тумани бўлими Раҳима Исломовани ЎзССР ЖКнинг 57-1, 67-моддалари билан айблаб, қамқоққа олиш тўғрисида қарор чиқарди. 1938 йил 28 январь кuni битилган ордер асосида уни ҳибсга олишди. Шахсий анкетасига қўра, бу вақтда оила аъзолари 67 ёшли онаси Ойтула ая, 16 ёшли укаси Бозор, 14 ёшли укаси Нормурод ва 10 ёшли синглиси Фозилдан иборат бўлган. Унинг абор хонадонидан аририги ҳеч нарса ҳам олинмади. Фақат кекса онахон ва болалар жиғарларининг изидан қон йиғлаганича қолиб кетди.

1938 йил 4 февраль кuni илк сўроқда ИИХК Митан тумани бўлими бошлиғи Федяев унга ким сени аксилиниқлобий ташкилотта тортиди, дея савол беради. Раҳима ўзига қўйлаётган айбловга чидай олмай йиғлаб юборади. У Митан ҳудудида ҳеч қачон бунақа ташкилот бўлмаганини ва ўзига қўйлаётган айбловларнинг барчаси бўхтон эканини таъкидлайди. 1938 йил 8 февраль кuni Митан тумани ижрокўми Раҳима Исломова ишини муҳокама қилиб, 5 кишини туманда мавжуд қандайдир аксилиниқлобий ташкилотта тортган "халқ душмани", деб уни комсомолдан ҳайдашади.

Раҳима Исломова 23 февралда терговга қақирилиб, ундан бир неча арақларни имзоплашини сўрашади. Раҳима рус тилида ёзилган матнларнинг таржимасини

беришларини талаб қилади. Улар эса рад этиб, шу ердан имзо чеқмай чиқмаслигини айтишади. Раҳима 5 мартача тергов хонасида сақланади. Ун бир кун давомида унга уйқу беришмайди, овқатсиз, фақат бир оз сув бериб тўт турғазда қўйишди. Сал қийшайса сўқдилар, урдилар, тепдилар. Бечора қиз эса бирин-кетин терговга келиб кетаётган эрақларни таниб, ёрдам бериб қолар, деган илтижо билан боқарди. Аммо жони халқумида, қўрқувдан қалтираб турган кимсаларнинг қўзига ўзбек қизининг муғлиги термулиши қўрилмади, ҳеч ким ердан бериш ҳақида ўйламади.

Раҳима ўн биринчи кuni ўлар ҳолга келгач, иложсиз йиқилади. Ақлий ҳолатининг бузилганини қўрган малъунлар унинг қўлига бир неча қозони тутиб имзоплатишга муваффақ бўлади ва камерасига судраб олиб бориб ташлайди.

1938 йил 26 февраль санаси билан имзоплатилган сўроқ баённомасида бўлиб Раҳима Исломова 1937 йил февралда Фаёул-ла Хўжаев ва Акмал Икромовни мактагани, 1937 йил май ойида ЎзССР комсомол ташкилоти котиби Исроиқ Ортиқовнинг қабулига шахсан кириши унинг аксилиниқлобий фаолияти сифатида танлиқ қилинади. 1938 йил 16 май кuni Митан туманида мавжуд бўлган аксилиниқлобий миллатчи ташкилотнинг 12 аъзоси фоз қилинган ҳақида қарор чиқарилади. Шу тариха Митан тумани партия қўмитаси котиби Жуманиёз Матниёзов, ўринбосари Намоз Мирзамаҳмудов, комсомол қўмитаси котиби Раҳима Исломова, ўринбосари Дўстмурод Зиёев, ер бошқармаси бошлиғи ўринбосари Раҳмат Жўраев, МТС директори Жалол Саматов, жағариш идораси мудир Санақул Соибназаров, ўринбосари Синдор Бабанов, "Сталин йўли" газетаси муҳаррири Латиф Даминов, ташкилотчи Аширбой Маҳамат-раҳимов, халқ суди судьяси Борий Шаги-валев, халқ терговчиси Отабой Каримов



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ЕР ТЎШАНЧИ, ОСМОН ЁПИНЧИФИМИЗ ЭДИ...

дейди чироқчилик 93 ёшли отахон, болалар шоири Ўта Бердиёр

Асаднинг ёқимсиз иссиғидан еру қўқ хансирайди. Шамол ҳам қай бир қавакка беқиниб олгандай эсишдан тўхтаганки, ҳаво димлигидан бир қўлтум сув ичмай терга ботасан. Улкан тут дарахтидан учган саргимтил барг тутидан ажралиб, вазнсиз ҳолатда ерга охишта учади. Унга қараб дунёнинг ўткинчилигини туйсан. Не давру давронлар вақт товасида қоврилиб, тупроқка қўшилиб кетган. Утмишни тупроқ остидан излашимиз ҳам чин. Чунки "ҳаммасига гувоҳ ер ости". Лекин вақт чегарасини бузиб ўтганлар қанча. Қай давр бўлмасин, инсон манғлайга яшаш ҳўқуқи битилган экан, ҳаёт сурурини тотмоқ, ўтган кунидан шукроналик туймоқнинг ўзи саодат.

Ўта Бердиёровнинг 46 йиллик умри мактабда кечган. Қишлоғида илк бор қўрилган мактаб биносига пойдевор қўйилганига ўзи гувоҳ.

— Ҳеч эсимдан чиқмайди, — дейди отахон гўдақдай жилмайиб. — Биринчи синфни аъло баҳолар билан тугатганимдан сўнг мактаб маъмурияти мени 5 метр сатин билан муқофотлади. Матони олганимдан сўнг энанинг хузурига физиллаб ўчиб бордим. Воқеани тўшунтирдим. Энам сатинни қўлига оларкан, қўзида ёш қалқиди. Чунки шу парча матоҳ бир бош қўй баҳосига тенг эди-да. Афсуски, тўртинчи синфни битирган чоғидаму уруш бошланиб қолди. Шу-шу даланинги одамига айландим. Ун икки ёшимда ҳўжалиқда табелчи бўлдим. Ит эгасини танимайдиган йиллар эди. Ер тўшанчи, осмон ёпинчигимиз бўлган.

Отахон қағитга секин йўталиб олиб, ёшли қўзлари билан менга узок тикилиб турди. Сўнг уруш йиллари қишлоқда тирик жоннинг далага отланиб, эрта баҳордан лалми ерни кетмон билан ағдариб, жазирамада машоқ терганигача куйиниб гапирди.

— Эллигинчи йили Ғаллачи қишлоғи ақлини оммавий равишда Қазақдарё соҳилига яқин Пахтакор қишлоғига қўчиришди. Ўша пайтлари Самарқанд шаҳридаги уч йиллик ўқитувчиларни тайёрлаш курсида ўқирдим. Курсни битириб, мактабда ўқитувчи бўлдим. Дарслиқлар етишмасди. Ўқитувчилар ҳам кам. Ҳамма фандан ўқитардим. Рус тили, математика, биология, она тили... Эллиқ тўртинчи йилдан бошлаб элдозларимизнинг қўпчилиги ўзи туғилиб ўсган қишлоққа қайтиб кетди.

Ўта Бердиёров йигирма олти ёшида Ғаллачи қишлоғидаги мактабга директор этиб тайинланади. Ун саккиз километр

масофага қатнаб ишлашнинг ўзи бўладими? Йуллар ёзда тизза бўйи тупроқ, қиш-баҳорда лой, хуллас, йўл юрмоқ гўр азоби эди. Мактабга тўрт кишлоқдан ўқувчилар қатнарди. Яна дарслиқлар етишмас, ўқитувчига мутоқолик катта. У пайтлари ўқитувчиларнинг обруси ҳўжалик раҳбариникидан кам эмасди. Лекин муаммолар ечимини топиш игна қўзидан арқон ўтказишдек гап.

Бир кuni хузурига сариқдан келган, ўттиз беш ёшлардаги гўдайган эркак кириб, унга қозғ тутлади. Қараса, ҳўжалик раиси имзоси билан бундай жумларар битилган: "Ўтахон, шу йиғитни мактаб ҳўжалик мудирлигига ишга ол.

Ҳўжалик раиси, район партия комитети бюроси аъзоси Карим Содиқов".

Утанинги пешонаси терлайди. Йиғитга ер остидан нигоҳ солиб: "Жой бўш эмас. Шу яқин раисга айт", дейди. Йиғитнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, хонадан чиқади. Бир ҳафтадан кейин у яна пайдо бўлади. Димдорлик билан директорга қозғ тутлади. Директор ўқиса, Чироқчи қишлоқ кенгаши раисининг буйруғи. Ўша вақтлари мактаб ҳўжалик мудир лавозими қишлоқ кенгаши томонидан буйруқлаштирилди. Утанинги бу гал фидонидан ўт чиқади ва қозонни йиртиб, йиғитнинг юзига отди. "Мактабга директор эканман, меннинг руҳсатимсиз ҳеч ким ишламайди. Бор! Раиснинг айт. Эшигимга бурун тикмасин. Урин бўш эмас, деб тўшунтирдим-ку сенга".

Шундан сўнг можарога нуқта қўйилади. Бир йилдан сўнг ҳўжалик раиси байрам арафасида келиб ўқитувчиларни йиғиб бир пилёва чой устида сўхбат қурди. Ўта раис мендан аразлаган бўлса керак, деган гўнда юрган эди, раиснинг ўзи гап қўшди:



“ОЛТМИШ БЕШИНЧИ ЙИЛЛАРДАН КЕЙИН ХАЛҚ ТАЪЛИМИДАЯМ “БУЗИЛИШ” БОШЛАДИ. ЁШ МУТАХАССИСНИ ТАЪМА ЭВАЗИГА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, БОРА-БОРА УЛАРНИНГ МАОШИГА ҚЎЗ ОЛАЙТИРИШ — ЭХ-ҲЕ, ДОИМО ҚУЗАТГАНМАН. КЕЧАГИ ДАВРДА ҲАМ РАҲБАРЛАР МАКТАБНИ ЭСИДАН ЧИҚАРИБ ҚЎЙДИ. МАКТАБЛАРДА МИХ ҚОҚҚУДАЙ ЭРКАК ҚОЛМАДИ. ОДАМЛАР БОЛАЛАРИНИ РЕПЕТИТОРГА БЕРИШГА МАЖБУР БЎЛДИ. АЛЛОҲГА ШУҚР, БУТ УН ЎҚИТУВЧИ МАКТАБГА ҚАЙТИШ.”

"Сендан имонли раҳбар чиқаркан. Одамни одамдан ажратмадинг. Қадрининг қадрига етдинг. Биламан, ўқитувчиларининг маошига қўз тикмагансан. Бирортасини илгини қоқиб ишга жойламагансан. Тўғри таъқсан. Хўшомадгўйликни ёмон қўрасан. Раҳбарнинг синчилиги мутахассисларни жой-жойига қўйишда".

— Олти йилдан сўнг янган: "Ўзимизнинг мактабда ишланг. Етар тупроқ-лой кечиб юргангиз, сиз ўқитувчи, мен кутубхоначи, бизга нима етмайди", деб қолди, — дея жилмади отахон. — Ариза ёзиб, уйга қайтдим. — Сизни рашк қилган-да, — дедим ўсмоқчилаб.

лаштириш, бора-бора уларнинг маошига қўз олайтириш — эх-ҳе, доимо қузаганман. Кечаги даврда ҳам раҳбарлар мактабни эсидан чиқариб қўйди. Мактабларда миҳ қоққудай эркак қолмади. Одамлар болаларини репетиторга беришга мажбур бўлди. Аллоҳга шўқр, бугун ўқитувчи мактабга қайтпти, — деди эгилган бошини гоз қўтариб.

Шу ўринда Чингиз Айтматовнинг "Болалар тимисини савол бериб, чарчашади, айниқса, уларга жавоб топиб беролмасангиз. Айрим ота-оналарга бола уларни атайлаб боши берк қўчага тикаётгандай туйлади. Бундай ўй билан асабиллашмай бўладими? Ҳаётдан зериккан ва чарчаган катталар учун болалари ўйламаса, яхшироқдай. Аммо бу фожиа-ку! Шунчалик катта фожиаки, таърифлашга тил ожиз. Болаликда табиатнинг беқийёс совғаси — ҳайрат ва англаши бой берган одам келажакда зерикариқ умргузаронликка маҳкумдир. Унинг ёзимши — мазмуносизлик, зерикши, ишончсизлик", дея башоратомуз гапларини

эсламай бўладими? Ана шу ўринда Ўта Бердиёрнинг "Рост гап" шеърини эсламоқ жоиз. Бола ва қўш мулоқоти замирида табиатнинг инсониятга уйғунлиги тимсоллаштирилган. Шеър чироқчилик аянланган.

— Қўёш, ботлар чоғида Қўзариб кетди нечун? — Жуда уялиб кетдим, "Икки" олганинг учун.

Отахон қўлига қалам тутган қаламқаш ахлини қўлаб-қувватлаган. Чироқчи тумани адабий муҳитини жонлантиришга меҳнати синган.

— Назарни (Назар Шўқур) ўйласам, борлигим қоронғилашади. Шеърятда ўз йўлига эга бўлиб, дадил қалам тебратиб келарди. У тирик бўлганда катта шоир бўлиб кетарди. Жуда ёш кетди. Бир гал уйимга

келганда очилиб гурун қилдик. "Сиз менга устозсиз", деб айтди. Шолғомин чиқиб, қўйлагим жиққа хўл бўлди. "Назаржон, сен менга устозсан", дедим. Унинг номи Чироқчида машҳур бўлиб кетганди. Чироқчиликлар биздан зўр шоир чиқяпти, деб дўпписини осмонга отган пайтлар эди-да, — ўз хотиралари билан ўртоқлашади отахон. — Чироқчида адабий муҳит ҳаммиса яхши бўлган. Жўра Алимардон, Фозил Раҳмон, Қўчқор Бекмуродов, Қобил Эшаматов, Норкул Тиловов, Маҳмаираим Кенжаев, Абдуҷалол Тайпагов, Уроқ Равшан, Норқизил Кенбобоев, Уктам Садин, Бахтиёр Жуманов ва кейинги ёш ижодкорлар эл назариде. Бахшичилик мактаби ўзи бир дунё.

Ўта Бердиёр эллигинчи йиллардан бери болаларга атаб шеърлари эртақлар ёзиб келади. Анвар Обиджон, Турсунбой Адашбоев каби таниқли болалар шоирлари унинг ижодига юқори ғозо берган. Анвар Обиджоннинг ушбу эътирофи буни тасдиқлайди: "Ўта ака ижодида болаларнинг қўлиғи шўх қилкиларни истиора, мулола, киноя санъатиға уйғунлиги билан каттаю кичикка баравар ёқди. Болалар дунёси билан ҳамроҳ ашагани билан шеърлари табиий ва самимийдир".

Отахон мамнун ҳолда табассум билан шеър ўқийди:

Бобом тупторим дейди, Момом шунқорим дейди, Отам шўқорим дейди, Уялиб ўйва толаман, Қачон одам бўламан? Бу шеър нафақат болаларга, мўйсафид бўлса-да, ҳаётда ўрин тололмай, инсонийлик сийғи йўқ кимсаларга ҳам тааллуқли. Қочирими историни қаранг. Яхши шеър ёш танламайди, барчага баравар ёқди. "Шаҳардан хат" шеъри "ҳазил, ҳазилнинг тағи зилп" қабилида битилгани билан шууримизда чақмоқ чақади. Миллатларнинг отуви ва иноқ яшаш билан бирга, шўро мустамлака сивасатининг ҳам авра-астарини ағдариб қўрсага олган, десак янглишмаймиз. Ҳатто ўзбеклар ҳам русча гапласса-да, қўлиғи ўзбекчалигини бундай тасвирлайди: ...Тоғамлар турган уйда Қўрқ оила яшаркан, Ҳаммаси ақил-иноқ, Тинч оилини ошаркан, Қўшнилари рус, тожик...

Қунаро келишаркан. Улар русча сўзлашиб, Ўзбекча кулишаркан!

Ўта Бердиёр шеърларидеда халқона оҳанг ҳам устувор. Бу оҳанг "Қўрқитдим" шеърда еркинлик касб этган: Мен қудўққа "Ов", дедим. Ундан кимдир "Ёв", деди. "Жим-е!" дедим. Жим бўлди. Мендан қўрққан Ким бўлди?! Ўта Бердиёр ижодида нишонига тегадиган бундай шеърлар талайгина. Унинг "Қачон одам бўламан?", "Икки қалб бирлашса", "Қўпдон бола орузси", "Ота на-сихати" ва бошқа қатор тўпламлари нашр этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Отахон синчи боғдон ҳам. Нафақага чиққандан кейин ҳўжалиқдан бир гектар ер олиб тоқор яратди. Қўёшининг тилларанг нуридан ялтйраб пишган узоғма қараб қўнонади. Бугунги кунда 30 туп тўки, турли мевали, манзарали 25 туп дарахт бор.

— Ун бош қорамолни, 50 товуғим, 20 қуркам бор. Иқтисодим бақувват, худого шўқр. Даромаддан янги китоб чиқармоқчиман. Узимга Бекман. Ҳозир ишлайдиган давр келди. — дейди отахон. — Одам ўз пайтавасига ўрналиб қолмай, Аллоҳдан умр тилаб, янги озулар билан яшашни себақ. Инсон иродасини енгиш қийин. Иродаси корик қишлар ҳаётинг ҳам қандай тўсиғини ериб ўтади. Бир оз йитирма вақтга кирсан, деган ниятданман. Бу ёни Аллоҳнинг айтгани бўлади.

Унинг шўқрона истагидан беихтиёр кўнгли ёришиб кетади. Шу ёшда ҳам элнинг тўйу маъракаларидан четда қолмайди. Набираю чаваралари қуршовида дунёнинг эни-бўйини ўлтайди. Ширин сўхбатлар кечганда, хотиралари тилга кирди. Нолишни ёмон қўради, айтар сўзидан ҳен қайтмаган. Ҳўр хам китоб қўлидан тушмайди. Қўзойнақчи тақиб, мутолаа қиладики, ҳайратга чўмасан.

Гурундан сўнг унинг дастурхон бошида эркин ўрнидан турганидан кўнглим тоғдай усди. Қўлларини бандан кўтариб: Шамолларни ёлвоптириб

Дўстларимни қувонтириб

Яшамоқдаман, Яшамоқдаман, дея баралла шеър ўқиди. Отахоннинг шижоатиға фойрати вуҷудиға сиймағи орузу, умид оғушида яшаётганидан замин ҳам титраши бор гап.

Ўроз ҲАЙДАР, шоир